

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI

**FILOLOGIYA FAKUL'TETI
O'ZBEK TILI YO'NALISHI
4- KURS 404-GURUH TALABASI**

**OXUNOVA GULBAHOR NURULLAYEVNANING
BAKALAVR DARAJASINI OLISH UCHUN**

**BALIQCHI TUMAN TOPONIMLARINING
SOTSIOLINGVISTIK TADQIQI
mavzuidagi bitiruv-malakaviy ishi**

Балиқчи тумани топонимларининг барча тарихий ва замонавий шакллари,
вариантларини тўплаш ҳамда уларни лисоний тадқиқ этиш тадқиқотнинг
асосий мақсадидир.

Ilmiy rahbar:

**Uluqov Nosirjon,
filologiya fanlari
doktori**

Namangan - 2011

Сўзбоши.....

Кириш.....

1-боб. Топонимлар ва уларнинг таснифи масаласи

1.1. Топоним ва топонимия

1. 2. Топонимлар таснифи масаласи

2-боб. Туман топонимларининг луғавий-маъновий хусусиятлари

2. 1. Балиқчи ойконими хусусида

2.2. Туман топонимларининг луғавий – маъновий таснифи

3-боб. Балиқчи тумани топонимларининг этимологик таҳлили ва структурал-типологик таснифи

3. 1. Айрим топонимларнинг этимологик таҳлили

3. 2. Туман топонимларининг структурал-типологик таснифи

Хулоса.....

Адабиётлар.....

Шартли қисқартмалар.....

Иловалар.....

Сўзбоши

Мавзунинг долзарблиги. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий ўзлгимизни англаш, бебаҳо қадриятларимизни тиклаш, мустабид тузум даврида асоссиз равишда ўзгартириб юборилган кўплаб тарихий жой номларини қайта тиклаш, ўз ўрнига қўйиш имконияти юзага келди. Бугунги кунда мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Республикамизда **“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиши, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида”ги Қонун** (1996) ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий – ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги** (2004) қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ва унинг вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялари ташкил этилди.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар** энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»¹. Бу фикрлар, албатта, ота-боболаримизнинг, халқимизнинг маънавий-маърифий, маданий, фалсафий мушоҳадаси ва қарашлари маҳсули бўлган жой номлари – топонимик меросга ҳам тааллуқлидир.

Топонимлар ўзи номлаётган ҳудуд тарихи, географияси, табиати, этнографияси, аҳолисининг этник таркиби, яшаш тарзи ҳақида дарак берувчи лисоний хазинадир. Шунингдек, топонимлар тил луғат таркибининг бир қисми ва тил маҳсули сифатида ўзи англатаётган ҳудудларга хос миллий тил, лаҳжа ҳамда шеваларга оид фонетик, лексик, грамматик хусусиятларни ўрганишда ҳам

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 29-30.

муҳим аҳамиятга эга. Уларни аجدодларимиздан ҳозирга қадар етиб келган улкан маданий-маънавий мерос, миллий қадриятларнинг бебаҳо намунаси сифатида эътироф этиш мумкин. Шунинг учун бу каби бебаҳо маънавий мерос намуналарини асраб-авайлаб, келажак авлод сифатида етказилмоғи керак

Бугунги кунда кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларнинг номланишига, мавжуд номларнинг маъносига, тўғри айтилиши ва ёзилишига катта қизиқиш ҳамда эътибор билан қарамоқдалар. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг жойларга ном танлаш, яъни миллий топонимик маданияти қайта тикланмоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай ёзади: “Ҳолбуки, аجدодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-ҳиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган”¹. Мазкур асарда юртимиз табиати ва халқимиз тарихига бегона бўлмаган, миллий жой номларини тиклаш, кўпайтириш ушбу соҳадаги асосий вазифалар сифатида белгиланди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданиятини чуқур билиш ва тушуниб етишишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”¹, - деган фикрни маънавий меросимиз ва қадриятларимизнинг таркибий қисми бўлган топонимик манбааларни ўрганишда ҳам дастуриламал сифатида қабул қилишимиз лозим бўлади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2009. Б.92

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Тошкент: Ўзбекистон, 1992.-Б.71.

Ўзбек ономатсикасининг таркибий қисми бўлган топонимика кейинги йилларда тилшунослик фанининг алоҳида соҳаси сифатида янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ушбу соҳанинг етук тадқиқотчилари етишиб чиқди. Топонимиканинг назарий масалаларига, географик объект номларини ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланган монографик тадқиқотлар, докторлик ва номзодлик диссертациялари юзага келмоқда.

Шунга қарамасдан, Балиқчи тумани топонимияси етарли даражада тўпланмаган ва тадқиқ қилинмаган. Бу борада Шукур Қурбон ва Мулла Қурбон Ҳайдарали ўғлининг Балиқчи тарихи ҳақида ёзган китоблари ҳамда Тошпўлатов Камолиддин томонидан ёзилган ишлардан бошқа тадқиқотлар юзага келган эмас. Ваҳоланки, Балиқчи ва унинг атроф ҳудуди топонимларини лингвистик таҳлил этиш Ўзбекистоннинг қадимий ҳамда замонавий тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Қадимий ҳудудлардан бири бўлган Балиқчи тумани топонимларини лингвистик таҳлил этиш ҳам ана шу муаммолар силсиласида қаралади ва тадқиқот объекти сифатида танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Балиқчи тумани топонимларининг барча тарихий ва замонавий шакллари, вариантларини тўплаш ҳамда уларни лисоний тадқиқ этиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. Туман топонимларини тўплаш ва умумий тавсифини бериш.
2. Балиқчи ойконимининг лисоний таҳлил қилиш.
3. Балиқчи тумани топонимларини луғавий-маъновий таснифлаш.
4. Туман топонимларининг структурал таркибига кўра турларини таҳлил қилиш.
5. Айрим Балиқчи тумани топонимларининг этимологик таҳлилини бериш.

БМИнинг тадқиқ объекти. Балиқчи тумани топонимиясига мансуб жой номлари ишнинг тадқиқ объекти ҳисобланади. БМИ учун таҳлил

объекти бўлган топонимлар, асосан, мустақил изланишлар, диалектологик экспедициялар асосида тўпланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. БМИда айрим Балиқчи тумани топонимлари этимологик жиҳатдан таҳлил этилди, грамматик, луғавий-маъновий хусусиятига кўра таснифи ва тавсифи атрофлича ёритилади, умумий хулосалар берилади.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот материалларидан, Балиқчи тумани топонимиясини ўрганишда, академик лицей ва мактабларда она тили дарсларида «**Атоқли отлар**»га доир «**Жой номлари**» мавзусини ўргатишда, тарих, география фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. Иш сўзбоши, кириш, номли уч асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 60 бет.

1-боб. Топонимлар ва уларнинг таснифи масаласи

1.1. Топоним ва топонимия

Таниқли немис тилшуноси Я. Гримм: «Халқларнинг қиёна тарихи ҳақида дарак берувчи суяклар, тобутлар ва қуроллардан ҳам афзалроқ жонли восита, далил мавжуд – бу уларнинг тилидир», -деган эди. Бу фикр худди топонимлар ҳақида айтилгандек. Топоним (грекча, *topos*-жой, *ўрин* Қ *онума*-ном) лар қуруқлик ва сувликлардаги табиий-географик ва сунъий инсон яратган объектларнинг, жойларнинг атоқли отларидир.¹ Албатта, топонимлар энг муҳим алоқа воситаси бўлган тил маҳсулидир.

Олимлар топонимларни «ернинг тили» деб атайдилар. Э.Бегматов таъкидлаганидек, бу тил ниҳоятда бой, сермаъно, сермазмун, серқирра ва қадимий тилдир.² Рус олими Н.И.Надеждин бундан 150 йил муқаддам: «Ер- бу топонимлар воситасида инсоният тарихи битилган китобдир», - деган эди.³ Бу нодир ва қиёна китобнинг муаллифи ўтмиш аجدодларимиз, халқимиздир.

Топонимлар она халқимиз кўп асрлар давомида яратган, ижод қилган лисоний ва маданий-маънавий бойликдир. Топонимларда халқнинг қадимий даврлардан тортиб то шу кунларгача бўлган ноёб қулатишлари, тажрибалари, уларнинг дунёқараши ва турли эътиқодлари ўз ифодасини топгандир. Топонимлар ифода қилган маъноларни, ижтимоий, тарихий, табиий-географик маълумотларни, номларнинг танланиш ва қўйилиш сабабларини, топонимларнинг келиб чиқиш тарихини лисоний жиҳатдан таҳлил қилинса, бу ҳолат ёрқин кўринади.

Топонимлар юзасидан тилшунослар, тарихчилар, географлар, этнографлар, фольклоршунослар кўплаб тадқиқотлар олиб борганлар, ўнлаб китоблар нашр этилган. Шунга қарамасдан топонимлар доирасига қирадиган номлар сираси, уларнинг чегаралари, проф. Э.Бегматов кўрсатганидек, ҳозирга қадар аниқ ва изчил белгиланган деб бўлмайди.

¹ Қаранг. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. - Наманган, 2006. - Б.76-77.

² Бегматов Э.А. Жой номлари - маънавият кўзгуси. -Тошкент: Маънавият, 1998. - Б.10

³ Надеждин Н.И. Опыт исторической географии русского мира. Библиотека для чтения. -1837, т.22, от.3. - С.28.

Биз топонимияга оид С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, Ж. Латипов, Н.Охунов каби олимларнинг тадқиқотларини кузатиш жараёнида бунга амин бўлдик ва топонимия доирасига кирадиган атоқли отларнинг асосий гуруҳлари Э.Бегматов томонидан тўлароқ кўрсатилган деган хулосага келдик.

Топонимлар доирасига мансуб атоқли отларнинг асосий гуруҳлари қуйидагилар:

- вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар номи (хоронимлар, астионимлар, комонимлар, ойконимлар);
- мавзелар, даҳалар, маҳаллалар, гузарлар, ишкат (ичкат)лар номи (урбонимлар);
- майдонлар, регистонлар, хиёбонлар, боғлар, истироҳат боғлари (парклар), бульварлар, дендропарклар номи (урбононимлар);
- қадимий қалъалар, кўрғонлар, истехкомлар, деворлар, бозорлар, манзилгоҳлар ва бошқа хил қурилиш мажмуаларининг атоқли отлари;
- масжид, мадрасалар номи (агионимлар);
- кўчалар, шохкўчалар, берк кўчалар, тор кўчалар, йўллар, чорраҳалар номи (урбононимлар, доронимлар);
- вокзаллар, автовокзаллар, аэропортлар, аэровокзаллар, аэродромлар, работлар, лангарлар, темирйўллар, метро станциялари, жамоат транспорти бекатлари номи;
- тоғлар, тоғ тизмалари, қирлар, доvonлар, сангирлар, тепалар, тепачалар, қоялар, чўққилар, қоятошлар, тоғликларда жойлашган бошқа хил физикавий-географик ўринлар номи (силенимлар);
- далалар, водийлар, текисликлар, пасттекисликлар, адирлар, ўзанлар, яйловлар, ўтлоқлар, чакалакзорлар, чангалзорлар, қамишзорлар, ўрмонлар, чеклар, ер участкалари, қўриқхоналар номи (агроонимлар, дримонимлар);
- саҳролар, чўллар, даштлар, қумликлар, саванналар, барханлар номи;
- қирғоқлар, жарлар, жарликлар, ғорлар, ўйиқлар, ўзанлар, ўпириқлар номи;
- океанлар, денгизлар, кўллар, сув омборлари, ҳовузлар, қудуқлар, ариқлар, каналлар, булоқлар, сизмалар, шаршаралар, ташламалар, дарёлар, сойлар, ирмоқлар, ўзанлар, сув айиргичлар, тўғонлар, дамбалар, насос станциялари,

ҳавзалар, кўлтиқлар, кўрфазлар, ороллар, яримороллар, ботқоқликлар, музликлар, чуқурликлар, сув ости тоғ тизмалари, кўприклар, сув тегирмонлари номи (гидронимлар, пелагонимлар, лимнонимлар, гелонимлар, потамонимлар) ва бошқалар.

Демак, топонимлар мундарижаси анча кенг ва серқиррадир. Топонимлар она халқимиз кўп асрлар давомида яратган, ижод қилган лисоний ва маданий-маънавий бойликдир. Топонимларда халқнинг қадимий даврлардан тортиб то шу кунларгача бўлган ноёб кузатишлари, тажрибалари, уларнинг дунёқараши ва турли эътиқодлари ўз ифодасини топгандир. Топонимлар ифода этган маъноларни, ижтимоий, тарихий, табиий-географик маълумотларни, уларнинг танланиш ва қўйилиш сабабларини келиб чиқиш тарихини лисоний жиҳатдан таҳлил қилинса, бу ҳолат ёрқин кўринади.

Топонимларнинг бир тури ойконимлардир. Айрим топонимист олимлар ойконимлар сирасига қишлоқ, шаҳарча (посёлка), овул, маҳалла, гузар, кўча номларини киритадилар. Жумладан, Н.Охунов топонимларнинг номланишига оид илмий рисоласида қишлоқ, кент, овул, маҳалла, кўрғонча, гузар, кўча номларини ойконимлар доирасида ўрганган. У ойконим термини ҳақида фикр юритиб, қуйидагича таъриф беради: «... аҳоли пунктлари ва унинг ички бўлинишлари - қишлоқ, посёлка, овул, маҳалла, гузар, кўча номлари ойконимлар деб юритилади».¹

Ономастик луғатларда, топонимикага оид айрим тадқиқотларда эса ойконимлар гуруҳи бошқачароқ белгиланади. Ойконим (грекча *oukos* – «тураржой» + *опома* – «ном») шаҳар, шаҳарча (посёлка) овул, қишлоқ каби аҳоли манзилларининг атоқли отлари.²

Жой номлари қадимий ва узоқ даврларнинг маҳсули бўлиб, ҳудуд тарихи, географияси, табиати ва бошқа жиҳатлари ҳақида бой маълумот берувчи лисоний даракчилардир. Шу боис топонимларни тарих, этнография,

¹ Қаранг. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 4-36.

² Қаранг. Подольская. Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С. 198.; Бегматов Э. Жой номлари – маънавий кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.

география, археология, геология каби ўнлаб фанлар ўз предмети нуктаи назаридан ўрганади. Топонимика шу боис тилшуносликни юқорида келтирилган фанлар билан туташтирувчи, боғловчи ришта, ўз навбатида, улар учун муҳим далиллар, маълумотлар берувчи назарий ва амалий соҳа ҳамдир.¹

Ўзбек топонимикасининг шаклланиши ва тараққиётида Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, С.Губаева, Б.Ўринбоев, Ш.Қодирова, Л.Т.Каримова, Ё.Хўжамбердиев, Т.Раҳматов, Ж.Латилов, Н.Охунов, Т.Эназаров, Н. Улуқов каби олимларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.² Улар ўзларининг топонимикага оид фундаментал тадқиқотлари билан ўзбек тили топонимиясини ўрганишнинг илмий-назарий асосини яратишди, ўзбек топонимикасини ривожлантиришди. Мазкур тадқиқотларда ўзбек тилида жойларнинг номланиши, номланиш мотиви ва тамойиллари, луғавий-маъновий, этимологик, морфемик ҳамда ясашиш хусусиятлари, тарқалиш ҳудуди тадқиқ этилди.

¹ Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. док. ... диссер.. - Тошкент, 2010. – Б. 12.

² Қаранг. Ҳасанов Ҳ. Ер тили. – Тошкент, 1977; Қараев С. Опыт изучения топонимики Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1969; Ўша муаллиф. Ойконимия Узбекистана: Диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук в форме научного доклада. – Ташкент, 1998. – 50 с.; Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – 20 с.; Дусимов З. Историко – лингвистический анализ топонимии Хорезма: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. (АН УзССР, Ин-т яз и лит. им. А.С.Пушкина). – Ташкент, 1996. – 52 с.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с.; Губаева С.С. Некоторые особенности топонимии Ферганской долины // Тезисы XVIII научн.-теоретич. конф. Ферганского пед. инс-та. – Фергана, 1969. – С. 95-96; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. – 54 б; Ўша муаллиф. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳли луғати. – Самарқанд, 1997. – 202 б; Кадырова Ш.М. Микротопонимы Ташкента: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – 28 с.; Каримова Л.Г. Топонимы североузбекских говоров: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 24 с.; Худжамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимики Сурхандарьинской области...: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – 25 с.; Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1973. – 31 с.; Библиограф. – С. 36-37; Латилов Дж. Топонимия города Маргилана и его окрестностей (лингвистический анализ): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 36 с.; Охунов Н. Топонимия Кокандской группы районов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – 23 с.; Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 56 б.; Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. док. ... диссер. автореф. - Тошкент, 2010. ва бошқалар.

1. 2. Топонимлар таснифи масаласи

Нарсалар, воқеа-ҳодисалар ёки тушунчаларни уларнинг ўзига хос белги-хусусиятларига кўра турли категорияларга, синфларга, гуруҳ ва туркумларга ажратиш **тасниф** (классификация) деб аталади.¹ Тасниф – билиш ва ўрганишнинг асоси. Тил бирликлари ва ҳодисаларининг лексик-семантик, этимологик, грамматик, услубий ҳамда бошқа лисоний белги-хусусиятларига кўра тур ва гуруҳларга ажратиш эса **лисоний тасниф** ҳисобланади.

Ҳар қандай тилга мансуб топонимларни таҳлил этишда дастлаб, уларни тасниф этиш масаласи туради, чунки мукамал таснифгина кузатишлар олиб боришни енгиллаштиради, тадқиқотларнинг самарали бўлишига кўмаклашади. “... топоним муайян маънони англатади, – дейди С.Қораев, – топонимистлар таъбири билан айтганда, топоним информацияга эга ва у реал ҳодисани акс эттиради. Топонимларнинг ана шу реал воқеликни акс эттиришини ҳисобга олиб, уларни қандайдир гуруҳларга бўлиш керак, албатта. Топонимларни ана шундай классификация қилиш уларнинг семантик моҳиятини ўрганиш ишини осонлаштиради деб ўйлаймиз”².

А.В. Суперанская: “Географик номларни таснифсиз таҳлил қилиш ва шарҳлаш қийин. Топонимист ўз тадқиқотида маълум бир таснифдан фойдаланибгина илмий хулосалар чиқариши мумкин. Тасниф турлича бўлиши табиий”, - деб ёзган эди.³ Демак, тил бирликлари, жумладан, тилдаги топонимлар тизимининг лисоний таснифи муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек ономастикасида топонимлар таснифи масаласига бағишланган бир қатор мақолалар ёзилган. Топонимияга доир барча диссертацияларда топоним ва унинг турлари тасниф қилинган. Натижада топонимларнинг лисоний таснифига доир турли назарий қарашлар ва амалий талқинлар юзага келган. Ўзбек тилшунослигида уларнинг асосийси З.Дўсимовнинг

¹ Усмонов О., Дониёров В. Русча - интернационал сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1965. –Б. 210.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати (5 жилдли) – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. – II. т. –Б. 30.

² Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? (топонимик луғат). Тошкент: 1970. –Б. 192.

³ Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва, 1970. –С. 55.

“Топонимлар таснифи масаласига доир” мақоласи ҳисобланади.¹ Мақола муаллифи топонимларни таснифлашда, асосан, икки йўналиш – лексик-семантик ва грамматик тузилишига кўра тасниф қилиш яққол кўзга ташланишини қайд этади. Жумладан, лексик-семантик тасниф борасида икки хил қарашнинг мавжудлигини кўрсатиб ўтади.

Биринчи қарашга кўра, топонимлар тўрт гуруҳни ташкил этади: 1) этнонимлардан вужудга келган топонимик номлар; 2) антропонимлар (киши отлари)дан пайдо бўлган топонимлар; 3) тоифа – гуруҳ номларидан пайдо бўлган топонимлар; 4) ер тузилиши, сув ва қурилиш иншоотлари, ўсимликлар дунёси, аҳолининг касби, турли хил воқеалар – йиғинлар ва шу қабила билан боғлиқ бўлган топонимлар.

Иккинчи қараш саккиз гуруҳни қамраб олади: 1) қабила номини билдирувчи топонимлар; 2) миллат, халқ номини билдирувчи топонимлар; 3) кишилар исмига қўйилган топонимлар; 4) касб-хунарга нисбат берилган топонимлар; 5) предмет белгисини ифодаловчи топонимлар; 6) ўсимлик (дарахт)лар номи билан юритиладиган топонимлар; 7) эл-юрт, ватан номи билан боғланган топонимлар; 8) географик рельефни ифодаловчи топонимлар.

Айни пайтда, З.Дўсимов “топонимларни бу типда системалашда гуруппалар орасида аниқ чегара йўқ”лигини ҳам танқид қилади ҳамда Қашқадарё вилояти ва Шимолий ўзбек шевалари топонимларини ўрганган Т.Нафасов ва Л.Каримовалар лексик-семантик таснифнинг анча мукамал вариантини таклиф қилганлигини мақуллайди. Аммо лексик-семантик принцип билан хронологик принцип аралаштирилганлигини ҳам эътибордан четта қолдирмайди. З.Дўсимов фикрича, топонимларни тасниф этишда тадқиқотнинг характеридан ва тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, лексик-семантик принципдан фойдаланиш ўринлидир. У структур-морфологик тасниф қилишда ҳам анча муваффақиятли тадқиқотлар

¹ Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1978. -№1. –Б. 17-21.

килинганлигини, бу борада, айниқса, Л.Каримова яхши ишларни амалга оширганлигини ва ўз таснифида моделлаш методи, формант методи ҳамда стилистик методдан жуда унумли фойдаланганлигини қайд этади.¹

З.Дўсимов бу борадаги фикрларни умумлаштириб, ўз таснифини қуйидаги тартибда тавсия этади.

I. Лексик-семантик тасниф.

1. Этнотопонимлар. 2. Антропонимлар. 3. Зоотопонимлар. 4. Биотопонимлар. 5. Геоморфологик топонимлар.

II. Структур-типологик тасниф.

1. Аффиксиз топонимлар ёки туб топонимлар. 2. Аффиксал топонимлар ёки ясама топонимлар. 3. Префиксал топонимлар. 4. Индикаторли топонимлар ёки топоним-компонитлар. 5. Бирикмали топонимлар.

III. Хронологик тасниф.

1. Топоним-архаизмлар. 2. Топоним-историзмлар. 3. Неотопонимлар.

Гарчи мақола муаллифи камтарлик билан “юқорида келтирилган топонимик классификация схемалари тўлаллиги ва тугаллиги билан мезон сифатида қабул қилинмаслиги керак. Ҳар қандай топонимик тасниф тўпланган материалдан ва айна вақтда тадқиқотнинг характери, шунингдек, тадқиқотчининг мақсадидан келиб чиқмоғи лозим”, – деб ёзган бўлса ҳам, унинг бирмунча мукамал тасниф эканлигини эътироф этиш лозим.² К.Назаров ва Т.Эназаров “Жой номларини йиғиш сўроқлиги” услубий қўлланмасидаги тавсияларни ҳам ўзига хос тасниф сифатида қараш мумкин. Улар жой номларини тасниф қилишнинг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтишади:

1. Жой номларининг қўлланиш хусусиятига кўра таснифи: жой номларининг такрор қўлланиши; жой номларида ТИ (топонимик

¹ Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1978. -№1. –Б. 18.

² Дўсимов З. Ўша мақола. –Б. 20.

индикатор)ларнинг қўлланиши; қўлланиш даврига кўра фарқланадиган жой номлари.

2. Жой номларининг ҳудудга нисбатан катта-кичиклиги нуктаи назаридан тасниф қилиниши: макротопонимлар; микротопонимлар.

3. Жой номларининг қандай таркибий қисмлар (компонентлар)дан иборат эканлигига кўра таснифи: апеллятив номлар; формантли топонимлар; ТИ (топонимик индикатор)ли жой номлари.

4. Жой номларининг лексик таснифи: умумтуркий; сўғд; форс-тожик; араб; мўғул; рус.

5. Жой номларининг лексик-семантик таснифи:

а) жой номларининг қандай ва қайси тур (тип)даги объектларнинг номлари эканлигига кўра ажратилган гуруҳлари: ойконимлар; гидронимлар; оронимлар; агроонимлар; дромонимлар; парагогонимлар; ер остидаги жой номлари;

б) жой номларининг келиб чиқиши ва номланишига кўра гуруҳлари: этнотопонимлар; антропотопонимлар; геотопонимлар; профессионализмлар асосида юзага келган жой номлари; соцтопонимлар; муқаддаслаштирилган жойларнинг номлари; фитотопонимлар; зоотопонимлар; кўчма жой номлари.

6. Жой номларининг морфологик таснифи: топонимлар андозаси, яъни уларнинг шаклланишида асос бўлган воситалар – ўзак ва қўшимчага хос хусусиятлар; жой номларининг қандай сўз туркумларига оид бўлган сўзлардан иборатлигига кўра гуруҳи; жой номларининг ясалишига кўра гуруҳлари: содда ва ясама топонимлар, қўшма жой номлари, бирикмали топонимлар¹. Масалага ёндашишлар турлича бўлишидан қатъий назар ҳар бир тил ёки миллат топонимикасига оид намунавий тасниф схемаси бўлиши лозим. Зеро, бу соҳада олиб борилаётган барча тадқиқотлар объектларнинг номланиш хусусиятлари ва этимологизациясига қаратилган экан, юқоридаги бу таснифларнинг барчаси ана шу масалаларнинг илмий ва асосли ҳал этилишига кўмак бериши шубҳасиздир.

¹ Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. – Тошкент: Университет, 1995. – Б.19-24.

Ҳар қалай топонимлар таснифида, авваламбор, диалектик қонуният – мазмун ва шакл яхлитлиги ҳисобга олиниши ва бунда шаклдан мазмунга қараб борилиши мақсадга мувофиқ. Мана шу маънода, юқорида таъкидлаганимиздек, мазмун ва шакл диалектикаси, топонимларнинг барча лингвистик ва экстралингвистик қамрови нуқтаи назаридан К.Назаров ва Т.Эназаровларнинг таснифи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. З.Дўсимов таснифида асосий диққат эътибор топонимларнинг лексик-семантик ва грамматик тузилишига ҳамда хронологиясига қаратилгани туфайли уни ҳам шу таснифлар доирасида қараш мумкин. Шундай қилиб, топонимларни таснифлаш борасида мавжуд бўлган қарашлар ва тажрибаларни умумлаштириб, Балиқчи туман топонимларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргансак бўлади деб ҳисоблаймиз.

- **топонимларнинг ҳудудий таснифи:** *макротопонимлар* ва *микротопонимлар*;
- **топонимларнинг хронологик таснифи:** *тарихий* ва *замонавий топонимлар*;
- **топонимларнинг тузилишига кўра таснифи:** *содда*, *қўшма*, *мураккаб*; *туб* ва *ясама* топонимлар;
- **топонимларнинг лексик-семантик таснифи:** *агроонимлар*, *антропоонимлар*, *антропотопонимлар*, *гелонимлар*, *гидронимлар*, *дримонимлар*, *дрионимлар*, *дромонимлар*, *комонимлар*, *лимнонимлар*, *ойконимлар*, *оронимлар*, *парагогонимлар*, *пелагонимлар*, *полисонимлар* (*полионимлар*), *потамонимлар*, *спелеонимлар*, *теотопонимлар*, *тепотопонимлар*, *урбонимлар*, *фитотопонимлар*, *фитоонимлар*, *хоронимлар*, *этноонимлар*, *энтотопонимлар* сингари.

Юқоридаги таснифлар ичида лексик-семантик тасниф ўзига хос етакчи ўрин тутди. Бу тасниф тури ўзбек топонимикаси соҳасида иш олиб борган барча олимларнинг ишларида ҳам юқори чўққини эгаллайди. Чунки

бу таснифлашнинг асосий тури сифатида бошқа тасниф турларидан ўзининг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

Шу боис ҳам биз қуйида Балиқчи тумани топонимларининг луғавий-маъновий ҳамда структур-типологик таснифини беришга ҳаракат қилдик.

2-боб. Туман топонимларининг луғавий-маъновий хусусиятлари

2. 1. Балиқчи ойконими хусусида

Балиқчи тумани – Андижон вилоятидаги туман. Вилоятнинг шимоли ғарбий қисмида. 1926 ймл 29 сентябра ташкил этилган. Наманган вилоятининг Норин тумани ва Андижон вилоятининг Избоскан, Шаҳрихон, Олтинкўл, Бўз, Улуғнор туманлари билан чегарадош. Майдони 0, 34 минг кв. км. Аҳолиси 141,6 минг киши(2000). Балиқчи туманида 9 қишлоқ фуқаролар йиғини (Алимбек, Балиқчи, Бўстон, Гулистон, Оҳунбобоев, Сиза, Хўжаобод, Эски Ҳаққулобод, Ўрмонбек) бор. Маркази Балиқчи қишлоғи (Қаранг. 1-расм)

Аҳолиси, асосан ўзбеклар; руслар, татарлар, тожиклар, уйғурлар ва бошқалар ҳам яшайди.

Балиқчи ҳам қишлоқ, ҳам туман номи сифатида **ойконим ва хороним** ҳисобланади. **Балиқчи** топоними ўзининг номланиш асоси ва тарихига эга. Топонимининг маъносини изоҳлашда энг аввало, у ҳақда яратилган халқ орасидаги ҳикоят ва ривоятларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Балиқчи ойконими тўғрисидаги биринчи ривоят:

Балиқчи номининг тарихи Сулаймон пайғамбар номи билан боғланади. Қорадарё бўйидаги бу қишлоқда, бир чол оиласи билан Қўқон томонлардан кўчиб келиб яшай бошлаган экан. Кунларнинг бирида, худо томонидан дунё инс-жинслари, дев-парилар, парранда-ю даррандаларининг ҳукмдори бўлмиш Сулаймон пайғамбар ҳам тақдир тақозоси билан бу ерларга келиб қолибди. Сабаби, у Қорадарё устидан ўтаётиб, сеҳрли узугини йўқотиб қўйган экан. Шунинг учун у йўқолган узугини топиш мақсадида балиқчи чол ёнига келиб, у билан биргаликда балиқ овлаб яшаган экан. Биласиз, Қорадарёнинг суви лойқа бўлган, тубида нима бор кўринмаган. Йўқотилган узукни бутун дарёдан топиш эса осон иш эмас. Узук йўқотилган захотиёк Сулаймоннинг ҳукмронлик рутбасига вақтинча нуқта қўйилган экан.

Сиз “Сулаймон ўлди, девлар кутилди” деган гапни эшитгансиз. Ўша девлар, демак, бошқа жониворлар ҳам, нафақат Сулаймон ўлганда, балки ўша узук вақтинча Қорадарёга тушиб йўқолганда ҳам маълум бир муддат тутқунликдан кутилган бўлса не ажаб. Сулаймонга шоҳона узукни бир балиқ ютиб юборганлиги тўғрисида ғойибдан хабар келган экан. Сулаймон пайғамбаримизга ана шу балиқни тутиб, қорнини ёриб узукни яна қўлига тақсагина, аввалги мавқеи тикланиши борасида ваҳий келган экан.

Орадан йиллар ўтиб, кунлардан бир куни балиқчи чол билан Сулаймоннинг тўрига ўша узукни ютиб юборган балиқ илинган экан. Узукни қўлига тақиб, яна тожу тахт соҳиби бўлган Сулаймон пайғамбар балиқчи чол ва унинг авлодаларига мурувват кўрсатган эканлар. Балиқчиликларни ва уларнинг маконларини то дунё тургунча қўриқлашни, бало-қазолардан асрашни девларга топширган эканлар. Шунингдек, балиқларга дарё ва ариқларни, булоқ ва қўлларни тарк этмасликни буюрган эканлар. Буни қарангки, балиқчи отанинг фарзандлари деҳқончилик қилиши учун сувдан қийналишиб юришар экан. Сулаймон пайғамбарнинг амри билан Қорадарёда пайдо бўлган ўша жайҳун балиқ (Балиқчиликлар уни “*жасайнбалиқ*” дейишади; *жайҳун* – катта деган маънони билдиради), экинларга сув керак бўлиб қолган пайтда дарёга кўндаланг бўлиб турар, вақтинчалик тошқинлар пайдо қилар, шундан сўнг деҳқончилик ишлари яна жойига тушиб кетар экан. Шу-шу бу ерлар Балиқчи – “*балиқчи чол яшаган юрт*” деб аталиб келинар экан.¹

Балиқчи ойконими тўғрисидаги иккинчи ривоят:

Ҳисор тепалигига яқин жойда бир кекса чолнинг капаси – бошпана уйи бўлган экан. Чолнинг ўғил-қизлари кўп бўлиб, фарзандларидан баъзилари чол билан Ҳисор тепалиги олдидан оқиб ўтадиган Қорадарёдан балиқ овлашиб, йўл қирғоғига сотувга қўяр, тўнгич ўғли эса қолган укаларини ёнига олиб, қовун-тарвуз экиб, деҳқончилик билан шуғулланиб, етиштирган ҳосилларини биргаликда сотувга қўяр экан. Қўқондан келадиган ёки Қўқон

¹ Шукур Қурбон. Балиқчиликлар.-Тошкент,2008 . - Б.23.

томонга борувчи карвон ва йўловчилар, албатта, балиқчи чол қароргоҳини мўлжал қилиб келишиб, бу ерда икки-уч кунлаб тунашар, дам олишар, сўнгра яна сафар йўлида давом этишар экан. Бу ҳол одатий тусга кириб бориб, балиқчи чолнинг қароргоҳи Қўқон каби катта-кичик шаҳарларга ҳам машҳур бўлиб кетибди. Одамлар орасидан балиқчи чолга кўмак бергувчилар бу ерга келишиб, улар ҳам балиқ овлашиб, деҳқончилик ишлари билан машғул бўлган эканлар. Секин-аста оила аъзолари билан келишиб, зарурат учун катта-кичик уйлар қуришиб, шу ерларда яшай бошлашган. Карвонлар кўмагида кичик бозорча ташкил қилиниб, савдо-сотиқ ишлари ҳам йўлга қўйилган. Бу ердан хабар топган хунармандлар, атрофдан келишиб, яшаш учун бу ерларга уй-жой қуришган. Натижада улар ўтроқлашиб, бу ерга ўрнашиб қолишган.

Бу ернинг доврўғи арофга кетган сари балиқчи чол ва ҳудудда яшовчилар сони ҳам кўпайиб борган. Натижада аста-секин Балиқчи юрти пайдо бўлган. Бу юртнинг номи балиқчи чол номи билан боғлиқ бўлиб, чол вафотидан сўнг, неча йилларга қадар “Балиқчи чол юрти” номи билан юритилиб келинган. Даврлар ўтиши билан чол сўзини айтишга эҳтиёж қолмасдан, ҳозирга қадар фақат **Балиқчи** номи сақланиб келинган эмиш.

Демак, Балиқчи сўзини оддий қилиб айтиш билан бирга унинг остида яширинган туб маъноси бўлмиш яъни, “*Балиқчи чолнинг юрти*” деган иборани тушуниб етиш мумкин.¹

Юқорида келтирилган ривоятларни эшитган ҳар бир киши ўз-ўзидан ўйлайди-ки, Балиқчи номининг келиб чиқишини балиқ (русча “*рыба*”) сўзига алоқадор. Лекин бу фикрларга мантиқан ёндашилса, унинг анча ҳақиқатдан йироқ эканлигини кузатади. Айтайлик, балиқчи сўзининг ўзаги “*балиқ*” ҳақиқатдан ҳам сувда яшовчи, сузгичлари бўлган, ойқулоқлари орқали нафас оладиган, сув жонивори². Агар шундай бўлса, у ҳолда бу каби жонивор

¹ Мулла Курбон Ҳайдарали ўғли. Балиқчи тарихи хикоя ва ривоятлар – Тошкент: Фан, 2008 – Б.21.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати (5 жилдли). – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. –II. т. –Б. 75.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлгани каби, у ном билан аталувчи жойлар ҳам жуда кўп.

Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани атрофларида бундай балиқлар жуда кўп. Лекин туманда бу ном билан аталувчи бирон-бир жой номини эшитмаймиз. Бу каби ҳолатларни Республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. Чунки жуда кўплаб жойларда балиқчилик билан шуғулланиш кенг тарқалган. Ана шу балиқчилик кенг тарқалган ҳудудларни барчасини Балиқчи ёки шу номга ўхшаш қилиб номлайдиган бўлсак, у ҳолда бир неча чалкашликлар юзага келиши мумкин. Лекин бу каби чалкашликларни олдини олиш мақсадида, топонимика соҳаси ўз олдига катта бир мақсад билан тарих фанига мурожаат қилади. Албатта, ҳар бир воқеа-ҳодисанинг тарих билан боғлиқлиги бўлгани каби топонимларнинг ҳам номланишида тарихнинг ўрни катта. Ана ўша тарихий маълумотлар бизга ҳақиқатни очилишида катта аҳамият касб этади.

Ҳозир биз ҳам Балиқчи топонимининг этимологиясига тўхталамиз. Бу ном қанчалик балиқ сўзига алоқадор ёки алоқадор эмаслигини бир неча далилларга таянган ҳолда, асослашга ҳаракат қиламиз.

Мазкур битирув малакавий ишини ёзишдан олдин, мавзуга алоқадор бўлган барча маълумотларни тўплаб, умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Бу жараёнда кўлимизга келиб тушган маълумотлар ичида Т.Нафасов, А.Нурмонов, С.Қораев, Н.Охуновларнинг тадқиқотлари ҳамда газета ва журналларда чоп этилган мақолалар, ишимиз учун жуда катта аҳамият касб этганлигини эътироф этиб ўтиш керак. Олимлар Балиқчи топонимини “балиқ” (рыба) сўзига мутлақо алоқаси йўқ деб ҳисоблашади.

“Балиқчи” тарихан ясама сўз бўлиб, балиқ + чи шаклидадир. Бу ерда балиқ – асос, -чи эса сўз ясовчи аффиксдир. Асоснинг балиқ тушунчасига мутлақо алоқаси йўқ. У туркий, мўғул, тунгус-манжур тилларига мансуб энг қадимий сўзлардан бири саналади.¹ Бу сўз қадимги туркий ёдномалар тилида “балық” шаклида учрайди. Бизга маълумки, қадимги туркий ёдномаларига

¹ Нафасов Т. “Балиқчи” номининг маъно // Шарқ юлдузи, 1991. – №10. – Б. 198.

Тўнюқуқ ёдгорлиги, Кул тигин битиктоши, Манихей ва Турфон матнлари киритилади. Бу ёзма ёдгорликларнинг ҳар бирида балық сўзи қўлланган бўлиб, уларнинг баъзиларида бу сўз «шаҳар» маъносида келган бўлса, баъзиларда эса “қўрғон” маъносида эканлигини кўришимиз мумкин. Тўнюқуқ ёдгорлигидаги матнларда балық – шаҳарни билдиради. Масалан, **уч ўтуз балық сыды**; яъни *23 шаҳарни вайрон қилдилар*. Турфон воҳасидан топилган битиктошларни ўқиганимизда ҳам худди юқоридаги мисолга ўхшаш шаҳар маъносини берувчи сўзларга тўхталамиз. Масалан, *эртмиш ўдун бир улуг балўқ бор эрти*; яъни, *қадим замонларда бир буюк (улуг) шаҳар бор эди*.

Элтариш ҳокон шарафига 690-693 йилларда битилган ёдномаларда балиқ сўзи “қўрғон” маъносида қўлланганлигини кўриш мумкин. Масалан, **қамуқ балыққа тегдим**; яъни, *кўп қўрғонларга ҳужум қилдим*.

Булардан ташқари, уйғур ёзувида битилган манихей матнларида ҳам балиқ сўзининг кўп ишлатилганлигини кўрамиз.

Масалан, **балиқдин балиққа, улушдин улушқа, элдин элга тингчи, савчи бўлуп юрудимиз эрсар**; яъни, *шаҳардан шаҳарга, қишлоқдан қишлоққа, элдан элга сўз олиб борувчи, совчи бўлиб юрсак*. Қадимий ёдномаларда у **ўрду** (қаср), **улуш** (қишлоқ) каби маъноси яқин сўзлар билан жуфт сўз шаклида ҳам қўлланилган. Масалан, **балық ўрду** – шаҳар ва қаср, **улуш балық** – қишлоқ ва шаҳар каби.

Академик В.В.Бартольд балық, балығ сўзининг Ўрхун-Енисей ёдгорликларида қайд этилганлигига асосланиб, барча туркий тиллар учун умумий эканлигини кўрсатган. Яна бир рус турколог олим В.В. Радлов луғатига ҳам бу сўзнинг қадимий туркий битиклардаги маъноси асос қилиб олинган, унда **балық, палық** – шаҳар, қўрғон деб изоҳланган.

Балиқ сўзи **балық, балығ, палығ, балых, балук** шаклида V-XI асрлар ёдгорликларида кўп учрайди. М.Кошғарийнинг таъкидлашича, X-XI асрларда бу сўз анча эскирган. Халқ нутқидаги бу ҳолатни тўғри англаган М.Кошғарий шундай ёзади: “**балық** – жоҳилия давридаги (ислом дини пайдо

бўлишидан олдинги давр) турклар ва уйғурлар тилида – *шаҳар*. Уйғурларнинг энг катта шаҳарларига *Бэшибалық* дейилиши шундандир. *Бэшибалық* – беш шаҳар демакдир. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларига *Янгибалық* – янги шаҳар дейдилар”. Шунингдек, XIII асрда яратилган Ўғузхон ҳақидаги ёдгорликларда бу сўзнинг *балық* шаклидаги кўриниши қайд этилган.

Туркий, мўғул ҳамда тунгус-манжур тилларидаги манбаларнинг қиёси шуни кўрсатадики, мазкур балық сўзининг энг сўнгги маъноси шаҳардир. Бу маъно шаҳарларнинг юзага келиши, тараққиёти ва йириклашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин. Унинг энг қадимий ва пировард маъноси ўртасида мантикий-моддий алоқадорлик билан бир каторда, фарқи ҳам бор. Фарқи шундаки, **балық** сўзининг туркий тиллардаги қадимий маънолари – *девор*, *деворли тўсиқ*, *девор билан ўралган жой* (шаҳар, кўрғондир). Шу маъно сариқ уйғурлар тилида сақланган, холос.

Академик В.В.Радлов “Туркий тиллар луғати тажрибаси” асарида бу сўз кўрғон маъносига эга эканини кўрсатган. *Бэшибалық* кўринишидаги кўшма номларнинг яратилишига кўрғон маъноси асос бўлган.

Балық сўзининг ўзак тузилиши ҳақида ҳам турли мулоҳазалар мавжуд. С.Э.Малов талқинича мазкур сўз лой маъносидаги “*бал*” сўзидан ясалган эди. Г.Дёрфер бу сўз маъносидаги ўсишни қуйидагича эътироф этган: лой девор билан ўралган жой – *шаҳар*. Қадимги уйғур тилидаги *балақасун*, *балақасу(н)*, ҳозирги мўғул тилидаги *балгас* (шаҳар), бурятча *балгаахан* сўзларининг келиб чиқиши бир эканлиги маълум.

Туркий тиллар тарихининг теран билимдони Э.В. Севортяннинг аниқлашича, мўғул тилларидаги бу сўзнинг тузилиши туркий **балық** – **балқ** – **балақа** (шаҳар) мантиқан ўзакдош. Энг қадимий туркий тил хусусиятларини ўзида сақлаб келувчи ёқут тилида **балаған** – *уй-жой*, *турар жой*, *ёғоч уй*, *кулба*, *қишки ёки ёзги қора уй*, *чўп* – *ходадан тикланган уй* маъносида ишлатилади.

Бу сўз кейинчалик ёқут ва мўғул тилларидан тунгус-манжур тилларига ўзлашган. Эвенк, эвен, негидал тилларида **балаған**, удей ва орок тилларида

балаға, балақа – тураржой, гўша, ёғоч уй, қишлиқ уй, ертўла, ёғоч ғўласидан килинган чайла; звенк тилида **балаған** – тураржой, уй; эвен тилида **балағамийа** – эски бино (иморат), **балаған** – ёғоч уй; эвен тилининг баргузин шевасида **балғахун** – ёзлик тураржой, уй. Бу шевага *балғахун* сўзи мўғул тилидан ўтган. Манжур тилида **фалға** – қишлоқ, слобода (500 уйлик), даҳа (10 уйлик), уйлар қатори, махсус яшаш жойига эга бўлган уруғ. Қалмик тилида **балғад** шаклида, маъноси – қишлоқ, шаҳар демакдир. Тунгус-манжур тилларига туркий ва мўғул тилларидан ўтганлиги учун ҳам товуш, ҳам ўзак тузилишида фарқлар бор.

Н.А.Баскаковнинг аниқлашича, туркий, мўғул ва тунгус-манжур тилларига тегишли бу сўзнинг энг қадимий асоси – **палға, палғдир**. У *палға* ва *палҳ* сўзлари, аслида, угур тилига оид эканлигини таъкидлайди ва бу тилдан бошқа тилларга инсониятнинг ўтроқлашиш палласида ўтган дейди.

Балиқ таркибий қисмли номлар V-XI асрларда яратилган. С.Э.Маловнинг таъкидлашича, Урумчи билан Гучен оралиғида X-XI асрларда туркий халқлар – уйғурлар вилоятида беш шаҳар бўлган. Улар: *Сулми, Қўйу, Йанбалық, Бэшибалық, Йангибалық* кабилардир. М.Кошғарий бу шаҳарларни Искандар Зулқарнайн бино қилган дейди. Булардан ташқари, академик В.В. Бартольд асарларида ва бошқа тарихий манбаларда балық сўзидан ясалган ўрта асрлардаги бир қанча шаҳар ва қишлоқлар номи қайд этилган: *Илибалық* – ҳозирги Илийск, Или дарёси бўйидаги шаҳар. *Уйдубалық* – ўрта асрлардаги уйғур шаҳарлардан бири. *Тарғубалық* – ўрта аср мўғулистонида Ўрхун дарёси бўйидаги қўрғон, *Ғубалық*, яъни *Қузбалық* – Баласағуннинг туркий номи. *Байбалық* – Селенга дарёси бўйидаги уйғурлар шаҳри. Бу ном Шимолий Мўғулистондан топилган Мўйунчуру битикларида ҳам зикр этилган.

“Олтин ёруқ”да тилга олинган йирик аҳоли масканларидан бирининг номи *Учағандир*. Бу ном икки битикда *Учаган балық, Учаган улуш* тарзида ишлатилган. Демак, бундан кўринадикки, *балиқ* ва *улус* сўзлари деярли маънодош бўлган. XI асрда улуш сўзи қишлоқни англатган. *Баранас балық* –

XII-XIV асрларга оид уйғур хужжатларида қайд этилган шаҳар. (Баранас, Баранаси – санскрит тилига хос ном). *Қузбалық* – Қадимги Еттисув вилоятининг маркази – Баласағун шаҳри номларидан бири эканлиги “Абдулланом” асарида алоҳида таъкидланган. Баласағун ўтмишда *Қуз улуш* ҳам дейилганлиги маълум. Қузбалық айрим манбааларда *Губалик* (русчаси *Гобалик*) ҳам битилган. Балиқ сўзи билан ясалган қадимий номларнинг айримлари ҳозиргача сақланиб қолинган. Юқорида номлари келтириб ўтилган жойлардан кўринадик, балиқ сўзи *қўз, бай, урду, беш, янги* каби турдош отлар билан бирикиб, муайян жойнинг турли хусусиятларини билдирувчи янги номлар яратган. Масалан, Или азалдан дарё номи бўлган, унинг бўйидаги шаҳарни туркий халқлар *Илибалиқ* деб юритганлар. Вавилон эса қадимги туркий ёдномаларда *Бобил балиқ* тарзида битилганлиги маълум. Бу ном XII-XIV аср уйғур ёдгорликларида ҳам учрайди. Баласағун номининг томири ҳам шу сўзга дахлдор. Товуш тузилиши унинг мўғулча шаклига яқин. Қадимги мўғул тилида *балақасун, балғасун, балғасу(н)* – **Баласағундир**. Сўнгги бўғинларида товуш алмашилиши юз берган. Туркий тилларга қардош бўлмаган угор тили орқали шу туркий тилларга *палғ* сўзи ўзлашган. Натижада у туркий маъноларга эга бўлган. Бу ўзакка ясовчи қўшимча қўшилиб, янги сўз ҳосил қилинган. Яъни, балық + чи → балықчи, балық + сы → балықсы каби. Юқоридаги “балиқчи” ҳолатига келган сўз, дастлаб ўтроқ аҳоли – шаҳар ёки қишлоқда доимий яшовчи, шаҳарлик маъносини билдирган. Кейинчалик бу маъно қатъийлашиб, аниқлашиб борган. Тарихчи Р.Г.Кузевнинг таъкидлашича, бошқирд тилида ҳам балиқчи сўзи мавжуд бўлиб, бу сўз уларнинг тилида “балықсы” кўринишида. Бошқирд тилида балықсы – истеҳкомли шаҳар қўриқчиси, яъни шаҳарни талончи кўчманчилар ҳужумидан сақловчи киши ёки кишилар маъносидадир.

Дарҳақиқат “балиқчи” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “*тўрт томони ўралган қўрғон*” ёки “*тўрт томони ўралган кичик шаҳарча*” маъноларига эга. Шундай экан юқорида айтиб ўтилган барча фикрлар бир нуқтага жамланиб, “балиқчи” сўзини “шаҳарлик” маъносига тенглаштиради.

Натижада бу сўз ўзининг янги бир маъносини юзага келтиради. Яъни, энди у сўз ўзининг биринчи маъноси ҳисобланган балиқ (рыба) маъносидан воз кечиб, ундан узоқлашади. Бунинг оқибатида балиқ сўзи юқорида келтириб ўтилган икки ҳодисадан фарқли ўлароқ, янги бир ҳодиса билан боғланади. Сўнгра, балиқ сўзи ўзининг яна бир бошқа маъносига эга эканлиги кўрсатилади. Бу янги маънонинг *балиқ* (рыба) сўзи билан ҳам, *шаҳар* сўзи билан ҳам алоқадорлиги йўқлиги аниқланади. Аксинча, у янги бир маъно – “уруғ” маъносини англатади.

Рус олими Н.Логофет XIX аср охирида 102 ўзбек уруғини қайд этар экан, *балиқчи* деган ўзбек уруғини ҳам санаб ўтган. Бундан ташқари, козоқларнинг улуғ жузида ҳам **балық, балықчи** уруғи борлиги маълум. С.М.Абрамзоннинг ёзишича, **балықчи** уруғи қирғизларнинг сару қабиласига мансубдир. Академик С.Т.Тослтов **балықчы, балықсы** уруғи ёвмут туркманларида мавжудлигини қайд этган. **Балықчи** уруғи туваларда ҳам учрашини тарихшунос Л.П. Потапов аниқлаган. Чорвадор қипчоқ туркий халқларда пайдо бўлган **балықчы, балықсы** каби атамалар ҳозиргача турли туманларда аҳоли масканлари номи сифатида сақланиб келмоқда.

Бизга маълумки, ҳудудимиздаги кўпгина жой номлари қипчоқ қабиласига мансуб уруғ номлари билан боғлиқдир. Бу эса шу жойда яшаётган аҳолининг асосий қисми жойга ном берган уруғлардан келиб чиққанлигини кўрсатади. Қипчоқ қабилаларининг 92 уруғдан ташкил топганлиги кўпчиликка маълум. Бу уруғ номлари **Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазваний** (1347-1418)нинг “Жоме ат-таворих” асарида батафсил санаб кўрсатилади. Улар орасида *уйғур, қанғли, сарой, қипчоқ, жалойир, маркит, керайит, найман, қўнғирот, сулдуз, боёвут, чиноз, дўрмон, баҳрин, уйшин* каби уруғлар борки, Фарғона водийсидаги кўпгина жой номлари шулар номи билан юритилади. Шунингдек, бу уруғ номлари **Абулғози Баҳодирхон**нинг “Шажараи турк” асарида ҳам учрайди. Кўрсатиб ўтилган уруғ номларига балиқчи номли уруғ ҳам киритиб ўтилади. Бундан кўринадики, вилоятимизнинг бир қатор қишлоқлари юқорида санаб ўтилган уруғ номлари

билан юритилганидек, бизнинг Балиқчи қишлоғи ҳам худди шулар каби балиқчи уруғи номи билан аталиб келинган.

Тилшунос олим А.Нурмонов тўғри таъкидлаганидек, “Андижон вилоятидаги Балиқчи шаҳарчасининг жойлашган ўрни дарё бўйида бўлганлиги учун, унинг маъносини Маҳмуд Кошғарий луғатидаги “балиқ”, “шаҳар” каби маъноларда қўллаш мумкин. Лекин балиқчи номи билан юритилувчи қишлоқлар республикамизда анчагина. Уларнинг кўпи дарёга ёки кўлга яқин ҳам эмас. Бу факт ўз-ўзидан балиқчи атамасининг уруғ номидан келиб чиққанлигини исботлайди”¹. Бундан кўринадики, Балиқчи ойконими узок тарихга эга бўлиб, бу ҳудудларда кипчоқ қабиласи уруғи вакиллари ўзларининг уруғлари номини берганлар. Натижада уруғ номи жой номига кўчган.

¹ Нурмонов А. Жой номлари – тарихимиз овози // Андижоннома, 1996. – №59. – Б.2.

2. 2. Туман топонимларининг луғавий-маъновий таснифи

Рус, туркий тиллар, жумладан, ўзбек топонимикасидаги топонимларнинг лисоний таснифига доир тадқиқотларга ижодий ёндошган ҳолда Балиқчи туман топонимларининг номланиш мотиви ва луғавий – маъновий хусусиятларига кўра дастлаб қуйидаги икки турга бўлиш мумкин.

1. Жойга хос табиий – географик белги – хусусиятлар асосида номланган топонимлар.

2. Тарихий, иқтисодий, ижтимоий – сиёсий ва бошқа омиллар асосида номланган топонимлар.

Мазкур топонимларни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида яна кичик гуруҳларга бўлиш мумкин. Туман топонимиясида катта қисм ташкил этувчи ойконимларниномланиш асосига кўра бўлиб, буни кичик гуруҳларга қуйидаги чизма доирасида ифодалаш мумкин. [1 - чизма].

Ойконимлар жой номлари доирасида алоҳида гуруҳни ташкил этади. *Ойконим* грекча “*oikos*” – уй маъносини англатади.¹ Аҳоли пунктлари ва унинг ички бўлинишлари – қишлоқ, қўрғон, овул, маҳалла, гузар, кўча номлари ойконимлар деб юритилади. Ойконимларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида шуни айтиш лозимки, жой тарихига оид баъзи маълумотлар ойконимларда яхши сақланиб қолган. Аҳолининг ўтмишдаги этник таркиби – қайси уруғ, қабила, қавм, тоифага мансублиги, иқтисодий турмуш шароити – қандай касб-хунар билан шуғулланганлиги, шунингдек, объектнинг бирон кишига қарашлилигини ифодаловчи ойконимлар фикримизнинг далилидир. Бундан фарқли равишда топонимларнинг бошқа турларида, чунончи, гидроним ва оронимларда этник номлардан, киши исмларидан ясалган топонимлар бирмунча кам учрайди. Ойконимларнинг баъзилари вақт ўтиши билан бошқа номга ўзгаради. Бу ҳодиса аҳоли пунктлари жамиятнинг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий – маданий ҳаёти, турмуш даражаси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

¹ Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.3.

Дарҳақиқат, жамиятдаги ижтимоий – сиёсий, иқтисодий – маданий ўзгаришлар кўпроқ ойконимларда акс этади.

Ойконимларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири, уларнинг такрорланиб туришидир. Бинобарин, ўлкамизда бир қишлоқ номи ойконим бир неча ҳудудларда учрайди. Чунончи, Балиқчи туманининг номи нафақат Андижонда, балки, Республикамизнинг бошқа ҳудудларида – Хоразм, Марғилон шаҳарларида ҳам қишлоқ номи маъносида қўлланишини кузатишимиз мумкин.

Ойконимларнинг маъносига кўра таҳлил этганда, уларнинг қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, ойконимларнинг номланиши турлича кечади. Уларнинг баъзилари аҳолининг этник таркибини ифодаладиган уруғ, қабила, халқ номлари (*Қипчоқ*), киши исмлари ва лақаблари (*Олимбек, Ўрмонбек*), шунингдек, касб-хунарга оид атамалар (*Зулфиқор*), ўсимлик ва ҳайвонотга боғлиқ сўзлар (*Яккатол, Тўрттол, Тулкиобод*) билан аталади.

Этноойконимлар. Топонимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби – маълум ҳудудда истиқомат қилган турли халқ, қабила, уруғлар муҳим рўл ўйнаган. Географик жойларнинг кўпчилиги кишиларнинг ижтимоий гуруҳига – қайси қабила ва уруғ, қавмга мансублигига нисбатан ном ола бошлаган. Уруғ, қабила, миллат, халқ номлари асосида яратилган аҳоли масканларининг атоқли отлари *этноойконимлар* деб юритилади.¹

Этноойконимлар тилдаги энг қадимги топонимик қатламлардан бири ҳисобланади. Улар узоқ тарихий даврнинг ёдгорлиги бўлиб, маълум халқнинг тарихини, этник таркибини ўрганишда, уларнинг тарқалиш чегарасини кўрсатишда ва аниқлашда муҳим манбаа сифатида ғоят қимматлидир.

Маълумки, бошқа туркий халқлар каби, ўзбек халқи ҳам маълум уруғ - қабилалардан таркиб топган. Бу уруғ – қабилаларни бежизга 92 бовли ўзбек

¹ Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Қўқон, 2005. – Б.28.

уруғи дейилмайди. *Қипчоқлар, қўнғиротлар, манғитлар, кенагаслар, жсалоийрлар, қурамалар, саройлар, найманлар, дўрмонлар, қанғилилар, минглар, юзлар, барлослар, қовчинлар* энг йирик қабилалардан саналган. Бу уруғ,қабилаларнинг ҳар бири бир неча майда узвлар, бўлаклар, тўпларга бўлинганлар. Даврлар ўтиши билан уларнинг бир қисми унутилиб кетган. Аммо уруғ номларининг аксарияти жой номлари сифатида сақланиб қолган. Бунинг исботи сифатида Балиқчи тумани худуди атрофидаги қипчоқ қабилаларининг уруғи номи билан аталувчи этноойконимларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бежизга гапни қипчоқ қабиласига боғламадик. Бунинг сабабини ўзингиз ҳам биласиз. Қадим замонлардан қипчоқ қабиласи ўзбек халқининг энг катта ва нуфузли қабилаларидан бири сифатида Балиқчи худудларига ҳам кенг тарқалган. Бинобарин, туман худудида қипчоқ этнонимига алоқадор бўлган ойконимлар бир неча жойда учрайди. *Ўлмас, Еттиқашқа, Товулди* (Ескиҳақулобод ҚФЙ), *Тумор, Қияли, Сарнавул* (Охунбобоев ҚФЙ), *Пучугой* (Товулди МФЙ), *Чувама* (Еттиқашқа МФЙ), *Яламуш* (Гулистон МФЙ), *Доғистон* (Доғистон МФЙ) топонимлари учрайдики, булар шу номдаги уруғлар номлари билан аталгандир.

Бундан ташқари туманнинг номи ҳисобланмиш Балиқчи ойконими ҳам худди шу юқоридаги номлар каби қипчоқ уруғи этнонимига алоқадор ҳисобланади. С.М.Абрамзон тўғри таъкидлаганидек, **балықчи** уруғи қипчоқларнинг *сару* қабиласига мансубдир.¹

Демак, юқоридаги номлардан кўринадики, қипчоқ уруғи номлари ҳозирги кунда туманимиз худудида анчагина сақланиб қолган.

Шунингдек, туманда бошқа миллат вакиллари номи билан ҳам юритиладиган бир неча маҳалла номлари ҳам учрайди. Бу ўз навбатида ўзбекларнинг бошқа турли халқ ва миллат вакиллари билан қадим замонлардан бери ёнма – ён яшаб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқада бўлиб келаётганлигидан далолат беради. Чунончи, тумандаги Шераличек қишлоғидаги *Тоғжикмаҳалла*, худди шу қишлоқдаги

¹ Нафасов Т. Балиқчи номининг маъноси// Шарқ юлдузи. – 1991, № 10. – Б.198.

Корейсмахалла, шунингдек, *Дўнгсарой* қишлоғидаги *Арабмахалла* ва *Мирзабошич*даги *Ўлимахалла* шулар жумласидандир.

Антропоойконимлар. Киши номлари, лақаблари, тахаллуслари, фамилиялари билан аталган аҳоли манзилларининг номлари *антропоойконимлар* (грек. *antropos* – одам + *oikos* – турар жой + *onima* – ном) деб аталади.¹

А.В.Суперанская таъкидлаганидек, топонимларнинг, жумладан, ойконимларнинг юзага келиши маълум ҳудуддаги кишиларнинг урф – одати, тили ва уларнинг тараққиёт тарихи, маданий юксалиши, иқтисодий, ижтимоий – сиёсий турмуши каби жиҳатлар билан алоқадордир. Аниқроғи, ҳар қандай номнинг мотивлари тарихий ва социал маънога эга □.

Ойконимларнинг номланишида мазкур аҳоли яшаш манзилини бунёд этган, бунёд этилишга раҳбарлик қилган, шу ерда яшаган, биринчи келиб жойлашган ёки машҳур тарихий шахслар номи асос вазифасини бажаради. Шу тарзда антропоойконимлар яратилади. Антропоойконимлар – антропотопонимларнинг бир тури. Бундай топонимларни Хоразм топонимиясини тадқиқ этган З.Дўсимов антропонимик тип термини асосида таҳлил қилган.

Антропонимлар ойконимлар тизимига ўтар экан, ўзи номлаётган аҳоли манзилларини фарқловчи, бошқа турайжойлардан ажратувчи лисоний аниқловчи - атрибут (рус.<лот. *attributum* – қўшиб қўйилган) вазифасини бажаради.³

Бунда шахс ва объект муносабати муҳим рўл ўйнайди. Антропоойконимлар туман топонимияси доирасида анчагина қисмни эгаллайди. 1990-йилларга қадар туман топонимиясида собиқ шўро ҳукумати раҳбарлари, даҳолари номи билан юритилган ойконимлар жуда кўп эди. *Ленин (Марказ МФЙ)* , *Ленинчи (Гулистон МФЙ)*, *Ворошилов*

¹ Охунов.Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.16.

² Суперанская А.В.Общая история имени собственного. – Москва, 1973. – С.101.

³ Қаранг. Усмонов О. , Дониёров Р. Русча- интернационал сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.70.

(Балиқчи МФЙ), Ломоносов, Владимир Ильич Ленин (Марказ МФЙ), Ленин (Гулистон МФЙ), Юрий Гагарин (Кўлбўйи МФЙ) каби маҳалла номлари мавжуд эди. Мустақилликдан кейин мазкур антропоойконимлар халқ анъаналарига, қадриятларига, жойларни номлашга қўйиладиган талаб ва мезонларга зид номлар, сунъий номлар сифатида истеъмолдан чиқарилди. Уларнинг ўрнига бошқа янги номлар берилди. Яъни мустақилликдан кейин ўзининг фидоийлиги билан шуҳрат қозонган шахслар номи берилди. Чунончи, Марказ МФЙ да жойлашган Ломоносов кўчаси ҳозирда Абдурашид Тожибоев номи билан, Ленин кўчаси эса Саидмурод Раҳимов номлари билан алмаштирилди.

Балиқчи туман антропоойконимларининг шаклланиш асосига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Бевосита шахс номларидан ҳосил бўлган ойконимлар. Бундай ойконимлар асосини кишиларнинг исми ёки фамилияси ташкил этади. Ном таркибида исм, фамилиядан бошқа ҳеч қандай бирлик ёки восита қатнашмайди. Масалан, қишлоқ номлари: Хайрихон Эргашева, Охунбобоев, Олимбек, Ўрмонбек; маҳалла номлари: Мадаминов Қаҳрамон (Хўжаобод ҚФЙ), Холмурод (Ўрмонбек ҚФЙ); кўча номлари: Орзиқул Матазимов, Тўхтамирза Отамирзаев (Кўл МФЙ), Ортиғали Маҳкамов, Элтой Маллаев, Муллажон Қодиров (Яккатол МФЙ), Акрамжон Султонов, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳамид Олимжон **бирликлардан юзага келган антропоойконимлар.** Балиқчи туман топа), Абдурахмон Жомий, Муқимий, Усмон Носир, Чўлпон (Исломобод МФЙ) каби. Балиқчи туман ойконимиясидаги антропоойконимларнинг асосий қисми шундай номлардир.

антропоойконимлар. Балиқчи туман топа), Абдурахмон Жомий, Муқимий, Усмон Носир, Чўлпон (Исломобод МФЙ) каби. Балиқчи туман ойконимиясидаги антропоойконимларнинг асосий қисми шундай номлардир. , Абдурахмон Жомий, Муқимий, Усмон Носир, Чўлпон (Исломобод МФЙ) каби. Балиқчи туман ойконимиясидаги антропоойконимларнинг асосий қисми шундай номлардир.

(Исломобод МФЙ) каби. Балиқчи туман ойконимиясидаги антропоойконимларнинг асосий қисми шундай номлардир.

Балиқчи туман ойконимиясидаги антропоойконимларнинг асосий қисми шундай номлардир.

асосий қисми шундай номлардир.

2. Шахс оти ва лақаби, мансаби, касбини кўрсатувчи шахс оти + “обод” форматидан: Насриддинобод (Сиза ҚФЙ), Исломобод Балиқчи туман топонимиясида бу типдаги ойконимларни қуйидаги (Балиқчи ҚФЙ), (Эшонқишлоқ МФЙ);

ахс оти + “обод” форматидан: Насриддинобод (Сиза ҚФЙ), Исломобод Балиқчи туман топонимиясида бу типдаги ойконимларни қуйидаги (Балиқчи ҚФЙ), (Эшонқишлоқ МФЙ);

Насриддинобод (Сиза ҚФЙ), Исломобод Балиқчи туман топонимиясида бу типдаги ойконимларни қуйидаги (Балиқчи ҚФЙ), (Эшонқишлоқ МФЙ);

(Сиза ҚФЙ), Исломобод Балиқчи туман топонимиясида бу типдаги ойконимларни қуйидаги (Балиқчи ҚФЙ), (Эшонқишлоқ МФЙ);

Исломобод Балиқчи туман топонимиясида бу типдаги ойконимларни қуйидаги (Балиқчи ҚФЙ), (Эшонқишлоқ МФЙ);

Балиқчи туман топонимиясида бу типдаги ойконимларни қуйидаги (Балиқчи ҚФЙ), (Эшонқишлоқ МФЙ);

б) исм ёки лақаб + “ота”, “бува”, “она” сўзларидан иборат номлар:
исм ёки лақаб + “ота”, “бува”, “она” сўзларидан иборат номлар:
см ёки лақаб + “ота”, “бува”, “она” сўзларидан иборат номлар:
Бузармонбува, Қиличбурхон ота (Кўл МФЙ), Саркорота (Марказ МФЙ), (Кўл МФЙ), Саркорота (Марказ МФЙ), Сўфиота (Гулистон МФЙ), Саркорота (Марказ МФЙ), Сўфиота (Гулистон МФЙ), (Марказ МФЙ), Сўфиота (Гулистон МФЙ), Сўфиота (Гулистон МФЙ), (Гулистон МФЙ),

с) исм ва амал, лақаб, таҳаллус номи билан ифодаланган номлар: *Жўраполвон* (Насриддинобод МФЙ), *Хотамхонтўра* (Балиқчи ҚФЙ);

д) киши исми + “чек” форматидан: *Шераличек* (Гулистон ҚФЙ), *Ниёзматчек* (Насриддинобод МФЙ).

Далиллардан кўринадики, туман антропоойконимлари таркибий тузилишига кўра қўшма таркибли ойконимлар турига, моделига кўра кўпроқ от + от типига мансуб бўлиб, кўпроқ атоқли отларга, яъни, киши номларига ойконимик индикаторларни, ойконимик форматларини кўшилуvidан ясалган. Балиқчи туман антропоойконимларини қандай киши номлари билан аталганлигига кўра ҳам гуруҳлаш мумкин.

I. Машҳур тарихий шахслар, алломалар, олим ва шоир ёзувчилар номи билан аталган жойлар: *Маҳтумқули, Завқий, Уйғун, Шароф Рашидов, Ойбек, Амир Темур, Нодира, Абдулла Қаҳҳор, Мирзо Улуғбек* (Ўртақўрғон ҚФЙ).

II. Маҳаллий меҳнат ва уруш фахрийлари номи билан аталган жойлар: *Акрамжон Султонов* (Исломобод МФЙ), *Абдурашид Тожибоев* (Марказ МФЙ), *Омонбой Турдиев* (Оқтепа МФЙ) каби.

III. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари номи билан аталган маҳаллалар: *Собир Раҳимов* (Балиқчи ҚФЙ) каби.

Аслида жойларни, жумладан, шаҳар, қишлоқ, шаҳарчаларни киши номи билан аташ ижобий ҳол эмас, чунки бундай номлар ўткинчи. Қисқаси, антропоойконимлар турғун номлар сирасига кирмайди, ижтимоий – сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида ўзгариб, алмашиб, секин – аста йўқолиб кетади.

Лекин бир сўз билан айтганда маҳаллий антропоойконимлар ҳудуд тарихи, социал – сиёсий ҳаёти ҳақида ёрқин маълумот берувчи лисоний воситалардир.

Фитоойконимлар. Инсонлар ҳаётида ўсимликлар жуда катта вазифани бажаради. Бу ҳолатни эътиборга олган кишилар қадим замонлардан бошлаб уларни авайлаб, парваришлаб келганлар. Қадимги лотин тилида

дарахт ва халқ сўзлари бир хил ибора билан “поплюс” деб аталгани ҳам ўсимликлар дунёсини кишилар ҳаётидаги эгаллаган ўрни ва аҳамиятидан олинган бўлиши мумкин. Топонимларнинг нисбатан катта бир гуруҳини ўсимлик номлари асосида яратилган номлар ташкил этади. Ўсимлик ва дарахт номлари билан аталган аҳоли масканлари номи – **фитоойконимлар** (юнонча *fitos* – ўсимлик демакдир) деб аталади.¹ Улар маълум ҳудудда тарқалган ўсимликлар дунёси ҳақида батафсил маълумот беради. Бу турдаги жой номларининг вужудга келиши **нисбий неготивлик** деб аталган географик қонуният асосида юз беради. Бу қонуниятга кўра, бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат-эътиборини тортадиган табиий ва ижтимоий объектлар номи танланади. Масалан, буғдой, пахта кўп экиладиган жойларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди, бу ерларга кўпроқ ўсимликларни номи берилади. Шу тарзда географик номлар тизимида, жумладан, Балиқчи тумани ҳудудида ҳам фитоойконимлар пайдо бўлган. Тумандаги фитоойконимларни дарахт ёки ўсимликнинг турига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) мевали дарахт номлари асосида яратилган ойконимлар: *Ўрикзор*, *Узумзор* (Хўжаобод ҚФЙ), *Олмазор* (Балиқчи МФЙ), *Ёнғоқзор* (Шўр МФЙ), *Анорзор* (Омонариқ МФЙ);

2) мевасиз дарахт номлари асосида вужудга келган ойконимлар: *Теракмозор* (Кўл МФЙ), *Қаҳразор* (Гулистон МФЙ), *Қирқчинор* (Ўртақўрғон МФЙ), *Яккатол* (Балиқчи ҚФЙ), *Қатортол* (Ботир МФЙ), *Мингчинор* (Яккатол МФЙ), *Тутқатор*, *Тутзор* (Кўрғонча МФЙ), *Қўшчинор* (Ўлмас МФЙ), *Садақайрағоч* (Қумтепа МФЙ), *Қайрағоч* (Ботир МФЙ), *Толкўча* (Аълам МФЙ), *Оққайин* (Еттиқашқа МФЙ).

3) ўт, ўсимлик номлари билан аталган ойконимлар: *Гулли*, *Гулбод*, *Гуларик*, *Гулзор* (Кўрғонча МФЙ), *Оқтикон* (Исломобод МФЙ), *Бедазор*, *Бедапоя* (Шераличек МФЙ);

¹ Аҳмадалиев Ю.И. Фарғона вилояти топонимлари. – Фарғона, 2009. – Б.30.

4) полиз экинлари ва донли ўсимликлар номи билан юритилувчи ойконимлар: *Пиёзоя* (Оқ қайин МФЙ), *Бугдойзор*, *Бугдойоя* (Товулди МФЙ), *Шолиоя* (Оққўрғон МФЙ), *Маккаоя* (Мирзабошичек МФЙ) ва бошқалар.

С. Қораев ҳар доим ҳам ўсимликлар номидан олинган аҳоли масканлари номини фитоойконимлар гуруҳига киритиш у қадар тўғри эмаслигини таъкидлайди. Сабаби маданий ўсимликлар, турли экинлар ва дарахт – буталар деҳқончилик ҳамда боғдорчилик манбаи бўлиб, иқтисодий географиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Шунинг учун бундай номларни иқтисодий ойконимлар гуруҳига киритиш мумкин.

Зоойконимлар. Кўпгина географик номларда маълум ҳудуднинг ҳайвонот дунёси ҳам ўз аксини топади. **Зоойконимлар** ҳайвон, қуш, парранда номлари билан боғлиқ аҳоли масканларининг номидир. Бу турдаги жой номларини вужудга келишида ҳайвонлар, қушлар, паррандалар ва бошқа жониворлар номлари асос бўлади. Улар бизга сув объектларида, ўрмон ва чўлларда, дала-даштларда ҳаёт кечирувчи турли хил жониворлар тўғрисида қимматли маълумот беради. Балиқчи тумани топонимиясида ҳам ана шундай номлар учрайди. Лекин улар жуда оз.

Зоойконимларни ҳайвон ва жониворларнинг турига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) уй ҳайвонлари номи билан аталган жой номлари: *Оқтулпор*, (Еттиқашқа МФЙ), *Оласигир* (Алам МФЙ), *Қашиқар*, *Тойчоқ* (Тумор МФЙ);

2) ёввойи ҳайвонлар номи асосида вужудга жой номлари: *Тулкиобод* (Эскиҳақулобод ҚФЙ);

3) қуш ва паррандалар номи билан аталувчи жой номлари: *Лайлакхона* (Оққўрғон МФЙ), *Қуртхона* (Шераличек МФЙ);

4) сувда яшовчи жониворлар номи асосида вужудга келган ойконимлар: *Лақадум* (Яккатол МФЙ) каби.

Шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи бир зоойконим изоҳи алоҳида таҳлилга муҳтож. Чунки айрим ҳайвон ва парранда номлари кўчма маънода

қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, туман номи *Балиқчини* олайлик. У номни биринчи эшитишдаёқ зоойконим бўлса керак деб ўйлайсиз, аммо илмий-назарий фикр ва далилларга мурожаат қилсангиз уни ҳеч қандай жонивор номига алоқаси йўқлиги маълум бўлади, яъни у зоойконим эмас, этноойконим (уруғ номи асосида номланувчи қишлоқ номи) эканлиги маълум бўлади.

Ороойконимлар. Топонимларнинг маълум бир қисми ернинг геоморфологик хусусиятлари асосида ном олган бўлади. Ер тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган топонимлар **оронимлар** дейилади. Оронимлар, жумладан, ороойконимлар ернинг рельефи шаклларини ўзида акс эттиради. Ер юзаси шакллари ҳар хил, яъни, теккислик, тоғлик, қир, жарлик, сойлик, чуқурликдан иборат бўлиши мумкин. Мана шу хусусият топонимларнинг номланишига асос бўлиб хизмат қилади. Вақт ўтиши билан объектнинг рельефи ўзгариши мумкин, лекин ўша рельефни ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Чунончи, “тепа”, “жар” маъносини сақлаган топонимларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша рельеф хусусиятини айнан англатмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, бу хил топонимлар ҳозирги кунгача сақланиб, худуднинг ўтмишдаги рельефидан “эсдалик” бўлиб қолмоқда.

Рельеф шаклларида аҳоли масканлари номига энг кўп қўйиладиган ном *тепа* сўзи орқали ҳосил қилинган.

Балиқчи туман ойконимлари ичида асосан *тепа* сўзи воситасида ҳосил қилинган ороойконимлар учрайди. Масалан, *Оқтепа* (Сиза ҚФЙ), *Қумтепа* (Охунбобоев ҚФЙ), *Жартепа* (Бўстон ҚФЙ), *Бойимтепа* (Гўравон МФЙ), *Сорттепа* (Мирзабошичек МФЙ), *Дахматтепа* (Кўл маҳалла МФЙ), *Мозорттепа* (Оққўрғон МФЙ), *Янгибойимтепа* (Балиқчи МФЙ), *Учтепа*, *Ҳисорттепа* (Чинобод МФЙ) каби.

Тепа сўзидан ташқари *жар*, *дўнг*, *қум*, *тош*, *дашт* сўзлари билан ҳосил қилинган оронимлар ҳам ўзбек тили топонимиясида учрайди. Лекин Балиқчи туман топонимлари ичида бундай ороойконимлар деярли кузатилмайди.

Факат Каттабулоқ МФЙда жойлашган *Тошлоқ* ойконими ҳамда Олимбек МФЙ даги *Дўнгсарой* ойконимлари борлиги маълум холос.

Гидроойконимлар. Қурғокчил иқлим ҳукумрон бўлган ҳудудларда, жумладан, Балиқчи туман ҳудудида *гидронимлар* (сув билан боғлиқ бўлган географик объектлар)нинг гидроойконимга айланиши кўп кузатилади. Сабаби, қуруқ иқлим шароитида сув ҳаёт манбаи сифатида ҳар қандай аҳоли масканининг шаклланишига, жойлашган ўрнига ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Туман ойконимлари орасида гидроойконимлар ҳам учрайди. Бундай ойконимларни ҳосил бўлишида қуйидаги сув объекти билан боғлиқ сўзлар иштирок этади. Масалан,

1) Таркибида *ариқ* сўзи ёрдамида ҳосил қилинган ойконимлар: *Омонариқ* (Охунбобоев ҚФЙ), *Олтиариқчек* (Қўрғонча МФЙ), *Бўзариқ* (Ўртақўрғон МФЙ);

2) Таркибида *кўл* сўзи ёрдамида ҳосил қилинган ойконимлар: *Полвонкўл* (Олимбек ҚФЙ), *Кўлбўйи* (Гулистон ҚФЙ), *Кўл* (Балиқчи МФЙ), *Хайкўл* (Ўртақўрғон МФЙ), *Шашикўл* (Жартепа МФЙ);

3) Таркибида *булоқ* сўзи ёрдамида ҳосил қилинган ойконимлар: *Булоқбоши* (Хўжаобод ҚФЙ), *Каттабулоқ* (Балиқчи МФЙ), *Учбулоқ* (Балиқчи МФЙ);

4) Таркибида *сув* сўзи ёрдамида ҳосил қилинган ойконимлар: *Сариқсув* (Мирзабошичек МФЙ),

5) Таркибида *дарё* сўзи ёрдамида ҳосил қилинган ойконимлар: *Дарёбўйи* (Қўрғонча МФЙ) каби.

Шундай қилиб, Балиқчи ойконимлари сирасида қараладиган қишлоқлар, гузарлар ва маҳаллалар яхлит бир тизимдан иборат бўлиб, уларнинг бири иккинчисига кўчиб ўтиши, янги номлар ҳосил қилиши, топонимик номинациянинг умумий қонуниятларига мос келади.

Некронимлар. Некронимларга мазор, қабристон, зиёратгоҳ номлари киради. Некронимлар ҳам топонимларнинг бир тури сифатида ўзбек

ономастикасида салмоқли ўрин эгаллайди. Тумандаги некронимларнинг катта қисми атрофдаги бошқа номлар асосида юзага келган.

Тумандаги некронимларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

1. Мавжуд ойконимлар асосида юзага келган: *Файзиобод* (1960), *Зулфиқор* (1856), *Эшонқишлоқ* (1920), *Халфачек* (1946), *Полвонқўл* (1895), *Дўнгсарой* (1950), *Каллачиқди* (1960) (**Олимбек ҚФЙ**); *Чинобод* (1954), *Қияли* (1879), *Маслаҳат* (1902), *Ботир* (1843), *Тумор* (1859), *Қўрғонча* (1930), *Этакалам* (1840) (**Хўжаобод ҚФЙ**); *Янгиқишлоқ* (1891), *Догистон* (1873), *Товулди* (1901), *Тулкиобод* (1896) (**Эскихақулобод ҚФЙ**); *Оқтепа* (1853), *Найман* (1909), *Маллачек* (1861), *Насриддинобод* (18972), (**Сиза ҚФЙ**); *Балиқчи* (1801) (**Балиқчи ҚФЙ**); *Мирзабошичек* (1930), *Аралхон* (1935), *Жартена* (19550), *Шамшиқўл* (1930), *Бешкапа* (1935) (**Бўстон ҚФЙ**); *Ўрмонбек* (1930), *Холмурод* (1950), *Қақирчек* (1900), (**Ўрмонбек ҚФЙ**) каби.

2. Азиз-авлиёлар, киши номлари асосида юзага келган некронимлар: *Ўролбува* (1750), *Гойиббува* (1801), *Охунбува* (1860), *Нуралибува* (1800), *Хўжабува* (1911) (**Балиқчи ҚФЙ**), *Сўфи ота* (1700), *Қиличбурхонбува* (1750) (**Гулистон МФЙ**), *Қирғизбува* (1800), *Кўктўнлиота* (**Сиза ҚФЙ**) *Амир Ҳамза* (1989) (**Гўравон МФЙ**), *Ҳотамхонтўра* (1910) (**Каттабулоқ МФЙ**), *Мамаризо ҳожи* (1865) (**Захкаш МФЙ**), *Мулла Хидирали* (1988) (**Охунбобоев ҚФЙ**) каби.

3) Таркибида *мозор* индикатори бўлган некронимлар: *Мозортена* (1859) (**Балиқчи ҚФЙ**); *Тузлимозор* (**Шераличек ҚФЙ**), *Теракли мозор* (**Кўл МФЙ**), *Тошмозор* (**Эскихақулобод ҚФЙ**), *Гўдакмозор* (**Сиза ҚФЙ**), *Шаҳидмозор* (**Бўстон ҚФЙ**) каби.

Шундай қилиб, топонимларнинг вужудга келишида объектнинг табиий географик шароити муҳим аҳамият касб этди. Бунинг исботини юқорида таҳлил этилган ойконимлар мисолида тўлиқ ҳолда кўрдик. Номланишларда халқнинг этник таркиби, туман ҳудудининг рельефи ва ландшафти аҳамиятли ҳисобланади. Балиқчи микротопонимлари тизимида ойконим,

гидроним ва некроним асосий ўринда туради. Айниқса, ойконимлар туман топонимларининг энг катта қисмини ташкил қилади.

3-боб. Балиқчи тумани топонимларининг этимологик таҳлили ва структурал-типологик таснифи

3. 1. Айрим топонимларнинг этимологик таҳлили

Тилшуносларнинг эътироф этишича, этимология – тилшунослик фанининг муҳим ва мураккаб соҳаси. *Этимология* сўзи асли юнонча *etimon* ва *logos* сўзларидан таркиб топган бўлиб, *etimon* сўзи “чин, асл моҳият”, *logos* сўзи эса “таълимот” маъносини англатади. Демак, этимология - тилшуносликнинг сўз ва морфемаларининг келиб чиқиши ҳамда тарихини ўрганувчи бўлими.¹

Тилшуносликдаги этимологияга оид илмий манбаларда **этимологик тадқиқ, этимологик талқин, этимологик таҳлил** терминлари қайд этилади. Этимологик тадқиқ – сўзларнинг келиб чиқиши ва уларнинг этимонларини кўрсатиб берадиган илмий тадқиқот. Этимологик тадқиқотлар махсули сифатида этимологик талқин ва этимологик таҳлиллар юзага келади.

Этимологик таҳлил лисоний таҳлилнинг бир тури бўлиб, сўзларнинг келиб чиқиши ҳамда этимонларини кўрсатиб берадиган таҳлилдир.² Тил бирлиги бўлган сўзлар қатори топонимларни этимологик тадқиқ этиш уларнинг келиб чиқишини, тарихий шакл ва вариантларини, этимологик манбааларини, этимонини, яъни чин, асл шаклини ҳамда маъносини ўрганишда, аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тилшунослигида топонимларни этимологик жиҳатдан тадқиқ этишда А.Абдурахмоновнинг хизматлари каттадир. Бундан ташқари, топонимларнинг этимологик таҳлили ва талқини топонимияга оид С.Қораев, З. Дўсимов, Б.Ўринбоев, Т. Нафасов,

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б.7.

² Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Тошкент: Университет, 2004. – Б. 9.

Ш.Қодирова, Л.Каримова, Н.Охунов, С. Наимов, Д.Абдурахмонов, Ё.Хўжамбердиев, А.Отажоноваларнинг монографик тадқиқотлари; номзодлик ва докторлик диссертацияларида, монография, илмий рисола, топонимик луғатларда ҳамда айрим илмий мақолаларида кузатилади. Топонимияга оид тадқиқотларда топоним ва унинг турларини этимологик тамойил жиҳатдан қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш кузатилади:

1. Ифодаланган маъноси аниқ топонимлар.
2. Маъносини қисман йўқотган ёки компонентларининг маънолари унча аниқ бўлмаган номлар.
3. Маъносини аниқлаш қийин бўлган ёки структураси ҳам, тарихи ҳам, маъноси ҳам ноаниқ топонимлар.¹

А.В. Суперанская: “Бу хилдаги гуруҳлаш топонимлар таснифига катта зарар келтириши ўз – ўзидан кўриниб турибди”, - деб бу масала юзасидан ўринли фикр билдирган эди.²

З.Дўсимов тўғри таъкидлаганидек, бундай тасниф асосида топонимларни текшириш муваффақиятли чиқмайди, чунки бундай тасниф бутунлай индивидуал характерга эга бўлиб, тадқиқотчининг тажрибаси ва савияси билан боғлиқдир. Ҳар бир тадқиқотчи ўз савиясига кўра “маънолари ноаниқ бўлган номлар” гуруҳини кўпайтириши ёки камайитириши мумкин. Шунингдек, номларни бу хилда ажратиш умуман топонимик тадқиқотнинг мақсадига зид келади. Тадқиқотчининг мақсади асосан ана шу ноаниқ гуруҳни текширишдан иборат бўлмоғи керак.³ Албатта, З.Дўсимовнинг бу фикрлари илмий ва амалий жиҳатдан асосли. Бизнингча, Балиқчи туман топонимларини этимологик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш маъқулроқ.

1. Этимологик таҳлил талаб қилмайдиган, маъноси ёрқин, аниқ топонимлар: *Янги қишлоқ* (Сиза ҚФЙ), *Янгиҳаёт* (Эскиҳақулобод ҚФЙ), *Мустақиллик* (Эскиҳақулобод ҚФЙ), *Қаҳрамон*, *Булоқбоши* (Хўжаобод ҚФЙ), *Шўр*, *Қумтепа* (Охунбобоев ҚФЙ), *Олимбек*, *Дўстлик* (Олимбек

¹ Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. – №1. – Б. 18.

² Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва, 1973. – С. 159.

³ Дўсимов З. Ўша мақола. – Б. 19.

ҚФЙ), *Алчазор, Жартепа* (Бўстон ҚФЙ), *Яккатол, Каттабулоқ* (Балиқчи ҚФЙ), *Учбулоқ, Теракмозор* (Кўл МФЙ), *Қайроқчи, Темирчи* (Шераличек МФЙ), *Олтиариқчек* (Қўрғонча МФЙ) каби.

Бундай топонимлар Балиқчи туман топонимиясида салмоқли ўрин тутди. Мазкур турга мансуб топонимларнинг номланиш мотиви маълум, номнинг ўзидан жойларнинг номланишига асос бўлган белги-хусусиятлар англашилиб туради. Кишидаги ҳаётий билим, малака ва кўникмалар топоним номлаётган жой номига хос характерли қиррани, белги-хусусиятни англаш, шу асосда топонимларнинг номланиш асосини тушуниш, идрок этиш имконини беради. Шу боис бундай топонимлар сираси маълум содда изоҳларни талаб этса-да, этимологик таҳлилсиз ҳам тушунарли.

2. Этимологик таҳлилсиз топонимик маъносини англаш қийин бўлган топонимлар: *Еттиқашиқ, Ўлмас, Догистон, Тулкиобод, Товулди* (Эскиҳақулобод ҚФЙ), *Гузар, Алам* (Хўжаобод ҚФЙ), *Чинобод, Тумор, Ботир, Балиқчи, Захкаш, Қияли, Сарнавул* (Охунбобоев ҚФЙ), *Дўнгсарой* (Олимбек ҚФЙ), *Гўравон* (Балиқчи ҚФЙ) каби.

Бундай топонимлар қадимийлиги ва тарихийлиги билан характерланади. Уларнинг луғавий асоси, топонимик маъноси, морфемик таркиби, ясаиш хусусиятлари этимологик таҳлил асосидагина ойдинлашади. Илмий манбааларда этимологиянинг уч тури қайд этилади:

- 1) халқ этимологияси;
- 2) сохта этимология;
- 3) илмий этимология.¹

Халқ этимологияси — тил бирликларини, жумладан, атоқли отларни ном билан турдош лексема орасидаги шаклий ва маъновий ўхшашлигига ёки афсона ҳамда ривоятлардаги маълумотларга асосланиб талқин қилиш. Аниқроғи, этимологияси муайян сўз ёки номнинг маъносини аниқ далилларга асосланмаган ҳолда, фақат товуш томонининг тасодифий

¹ Маҳқамов Н. Этимология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Тошкент, 2005. -10-ж. — Б. 281.

ўхшашлигига қараб, шунингдек, афсона ва ривоятларга таяниб изоҳлашдан иборат.

Тил бирликларининг, жумладан, номларнинг фонетик ва грамматик тузилишини, маъноси ва ясалиш асосини, нотўғри талқин қилиш натижасида чиқарилган асоссиз фикр, хулоса сохта этимология ҳисобланади. Кўпинча халқ этимологиясига асосланган талқинлар ҳам сохта этимология саналади, бироқ бунга кўшилиб бўлмайди. Топонимлар тадқиқида илмий этимология қатори халқ этимологияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқона этимология кўпинча илмий этимология учун манба, асос ва тўртки бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тили топонимларининг халқ этимологиясига оид талқинлари топонимик афсона, ривоятларда кузатилади. Топонимик афсоналарда жой номларининг бунёд этилиши тарихи, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар баён этилади. Қайсидир маънода топонимик афсоналарда маълум жой объекти билан боғлиқ халқ этимологияси ҳам берилади.

Биз Балиқчи тумани топонимларига оид бир неча афсона ва ривоятларни тўпладик.

Шераличек – Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ)даги маҳалла номи. Мазкур маҳалланинг номланиши ҳақида қуйидагича ривоят бор:

Ривоят қилишларича, Шераличек ҳудуди атрофлари қадимда зоғ учмас, кўриқ ва чўл билан ўралган экан. Худоёрхон даврига келиб эса, хоннинг ноиби Шерали саркор хон буйруғига асосан бу ерларда ариқлар қаздириб, экин майдонлари ташкил қилган экан. Сўнг бу янги ташкил этилаётган ҳудудни одамларга уй-жой қуриш учун бермоқчи бўлган. Шерали саркор бу ер эгаларига, Худоёрхоннинг ёрлиғи босилган чекни қонуний ҳужжат сифатида тақдим этган. Бора-бора одамлар ерларни ўзлаштириб, деҳқончилик қилишган. Натижада бу ер эгалари оғзида “Шераликнинг чеки бизнинг уйларимизга қонуний ҳужжатдир” деган гаплар юрган.

Кейинчалик одамлар ўзларига тушунарли, қисқа ва лўнда бўлиши учун “Шералининг чеки” эмас “Шераликчек” деб атай бошлаган экан. Шу-шу

махалла номи Шераличек эмиш.¹ Шунини айтиб ўтиш керакки, Балиқчи туманида бу каби Худоёрхон даврида яшаб ўтган хон ноибларининг меҳнат фаолияти билан боғлиқ жой номлари жуда кўплаб ташкил топган. Масалан, *Мирзабошичек* (Гулистон ҚФЙ), *Ўрмонбек* (ҚФЙ), *Олимбек* (ҚФЙ), *Эшончек* (Олимбек ҚФЙ), *Насриддинобод* (Сиза ҚФЙ) каби. Бу номлар ҳам худди юқорида келтириб ўтилган Шераличек номи каби изоҳланади, яъни бу номлар таркибига эътибор бериб қаралса, Мирзабоши, Олимбек, Насриддинбек, Ўрмонбек каби кишилар тарихда Худоёрхоннинг ноиблари бўлишган. Демак, булардан билса ҳам бўладики, Балиқчи худуди атрофлари Худоёрхон тасарруфидаги ерлар бўлган.

Гўровон – Балиқчи қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ)даги маҳалла номи. Бу ном ҳақида ҳам ривоят мавжуд бўлиб, унда ном қуйидагича талқин этилади:

Айтишларича, Марғилон томондан бир эшон ўз муридларини йўқлаб Балиқчи томонларга келиб турар экан. Эшон бир куни ана шу муридларидан бирининг уйига келиб, у билан бирга атрофни кўздан кечирмоқчи бўлибди. Қарашса бир жойда гўрков қабр қовлаётган эмиш. Эшон унинг ёнига бориб қилаётган ишидан ғоятда ажабланиб қолибди. Шунда у шогирдига қараб “Бу гўрковнинг гўри равон экан” деган экан. Шунда мурид устозининг сўзларини эшитиб, унинг бу гапларини мақуллабди. Кейинчалик бу ўзлар бирикма шаклига “гўри равон” ундан кейин эса яна оғиздан-оғизга ўтиб “Гўровон” шаклига келган экан. Шу-шу бу маҳалла номи *Гўровон* эмиш.

Оққўрғон – Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) таркибидаги маҳалла номи.

Ривоятда келтирилишича, маҳалла худуди илгари тўла қамишзор, кўл, булоқлардан иборат бўлган. Аҳоли секин-аста ариқлар қазиб, сувни дарё томонга оқизиб, ерларни ўзлаштиришган. Шундан сўнг уйлар сони кўпайган экан. Наманган вилояти Чўжа қишлоғидан кўчиб ўтган Оқйўл бобо маҳаллани ўртасига симдан уй солиб атрофини севарик новаси билан ўраб,

¹ Мулла Қурбон Хайдарали ўғли. Балиқчи тарихи ҳикоя ва ривоятлар. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 27.

кўрғон қилиб яшай бошлаган. Кейинчалик шу ердан ўтувчи йўловчилар кўрғонда тўхтаб дам олишар, ундан сўнг яна йўлларида давом этишар экан. Секин-аста ана шу йўловчилар оғзида “Оқйўлни кўрғонида дам оламиз”, “Оқни кўрғонида дам оламиз” деган жумлалар пайдо бўлиб, бора-бора бу номлар таркибидаги сўзлар қисқариб одамлар нутқида “Оқни кўрғони”, “Оқ кўрғон” деб аталадиган бўлган. Натижада бу ҳозирги Оқкўрғон шаклига келган экан. Бу ном чол ва унинг кўрғонига нисбат берилиб *Оқкўрғон* деган номни олган. Бизнингча, Оқкўрғон *оқ, кўрғон* каби маъноли қисмлардан иборат бўлиб, “*оқ тупроқли ердаги кўрғон – аҳоли яшаши маскани*” деган топонимик маънога эга.

Келтирилган топонимик афсоналардан кўринадики, халқ этимологияси илмий этимология учун туртки, маълум маънода асос бўлса-да, ном ҳақидаги мукамал, аниқ этимологик талқинни бера олмайди.

Топонимларнинг этимологик таҳлилида илмий ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Н. Маҳкамов изоҳлашича, илмий этимологик таҳлил тил тарихига, лаҳжа ва шеваларга мурожаат қилиш, фактларни турли йўллар билан қиёслаш орқали юзага келади.¹ Топонимларнинг илмий этимологик таҳлилида топонимларнинг этимонини аниқлаш асосий масала. Этимон (юнонча *etymon* - ҳақиқат) кенг маънода ҳозирги тилда мавжуд муайян сўз ёки морфеманинг келиб чиқишига асос бўлган сўз, морфема ёки сўз бирикмаси; сўзнинг дастлабки маъноси ва шакли.² Демак, этимон – жой объекти атоқли номининг этимологик тадқиқ асосида аниқланган ва тикланган ҳамда тўғри, ҳақиқий деб ҳисобланадиган асл шакли ва маъноси ҳисобланади.

Ўзбек тили тарихий топонимларининг этимони тил тараққиёти ва турли омиллар таъсирида ўзгариб кетган. Бу уларнинг этимонини, асл шаклини, маъносини аниқлашни қийинлаштиради. Шу боис топонимлар этимонини аниқлашда номнинг қайси жиҳатига эътибор қаратиш муҳим? -

¹ Маҳкамов Н. Этимология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2005. – 10-ж. –Б. 281.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. -10-ж. –Б.281.

деган савол туғилиш табиий. В. Пизани сўз этимонини аниқлаш ва тиклашда семасиологик тамойилнинг асосий тамойиллигини қайд этади. Б.Бафоев сўзнинг этимони семантик-морфологик ва тарихийлик тамойиллари асосида текширилишини кўрсатади. Албатта, бу фикрлар асосли.

Топонимларнинг этимонини аниқлашда, этимологик таҳлилда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозим:

- 1) морфологик тамойил;
- 2) деривацион тамойил;
- 3) семантик тамойил;
- 4) тарихийлик тамойили;
- 5) диалектологик тамойил.¹

Ҳар қандай топоним сўзлар каби шакл ва маъно уйғунлигидан таркиб топади. Топонимларнинг морфологик тузилишини; номлар деривация маҳсули эканлигига кўра, деривацион хусусиятларини; ясалиш асоси, ясовчи восита, ясалиш усулини ҳамда бу жараёндаги фонетик ўзгаришларни; ном билан боғлиқ диалектологик хусусиятларни аниқлаш асосида топонимик маъноси аниқланади. Биз ана шу тамойилларга асосланган ҳолда Балиқчи туманидаги бир неча топонимларнинг этимологик таҳлил қилиш асосида уларнинг этимонларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Сартепа (Сортепа) – тумандаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган тепалик номи. Мазкур ном қуйидаги икки сўздан иборат: *сар+тепа*. *Сар* сўзи эроний (форс-тожик) тилларига мансуб бўлиб, *тепа* эса ўзбекча сўз. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, таркибида *сар* сўзи бўлган бир қанча сўзлар эски ва ҳозирги ўзбек тили лексикасининг турдош (апеллятив) лексик бирликлар гуруҳида мавжуд: *сарчашма, сарҳовуз, сархуш, сарпўш, саркор, сармоқ, сарзомин, сарнамо, сарандоз, саранжом, сарафроз, сарбон, саргардон, саргузашт, сардар, саркарда, саркаш, саркор, сармаст, сарнайза, сарнигун, сароб, саромад, саросар, сарпо, сарпанда, сарров, сар-сари, сартарош, сартахта, сархок, сархона, сарҳафта*.

¹ Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 118.

Сарҳисоб, сардафтар каби сўзлар форс, тожик тиллари сўз ясалиш таркиби ва талаби асосида юзага келган. Ўзбек тилига юқоридаги сўзларнинг барчаси тайёр ясама сўз тарзида киритилган. Айтилганлардан маълум бўладики, **Сартепа** номидаги *сар* сўзи форс, тожик тилларидаги *сар* сўзи билан шаклий тенглик, ўхшашлик ҳосил қилган. Форс, тожик тилларида *сар* сўзининг бош (инсон ва ҳайвонлар, ҳашорот, жониворларнинг бош узви) бошланиш жойи, катта, улкан, йирик, уст, юқори, юксак, баланд, дастлабки, илк, улуғ, муқаддас, мўътабар каби маънолари мавжуд. Бу маъноларнинг маълум бир қисми ўзлашма сўзларда ҳам такрорланади.

Маҳаллий халқ Сартепа номини ана шу маънолар асосида изоҳлаган: *катта тепа, кўп тепали жой*. Бу ва бошқа изоҳларнинг барчаси объектларнинг табиий шароитига ва тузилишига мос эмас. Чунки кичик бир тумандаги тепалар табиий эмас, балки инсон томонидан яратилган. Шу боис жойнинг табиий муҳити Сартепа номини бошқачароқ изоҳлашни талаб этади. Қиёсий далилларнинг кўрсатишича, ном тарбидаги *сар* сўзи – *ҳисор* сўзининг қисқарган, соддалашган, ўзгарган шаклидир. *Ҳисор* сўзи араб истилочилиги даврида Шарқ тилларига ўтган. Араб истилочилари катта шаҳарларнинг атрофида ҳарбий истехкомлар, ҳарбийлар учун сарой, қалъа мақомидаги яшаш масканларини қурган. Ана шу турдаги иншоотлар *Ҳисор* сўзи билан аталган ва бу атама ҳеч бир ўзгаришсиз атоқли отга айланган.

Даврлар ўтиши билан турли сиёсий, ижтимоий ва табиий шарт-шароитлар асосида *Ҳисор* номи билан аталган кўрғон, работ, истехкомлар харобага айланган. Кўрғон деворлари, бурчлари текисланиб, бузилиб вайронага айланиб бўлгач, *Ҳисор* номига ўзбекча *тепа* сўзи қўшилган ва *Ҳисортепа* номи юзага келган. Кейинчалик халқ нутқида сўз бошидаги “ҳ” ундоши ном таркибидан тушириб қолдирилган. Натижада бу топоним номи куйидаги ҳолатга келган: *Ҳисортепа* → *Исортепа* // *Исарттепа* → *Сортепа* // *Сарттепа*.

Сартепа номининг топонимик маъноси – *қадимий қўрғон харобалари ўрнида пайдо бўлган тепа*, қадимий Сартепа харобалари ўрнида бунёд этилган шаҳарча демакдир.

Мирзабошичек – Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳалла номи. Бу топоним таркибидаги *мирза* сўзи Ўрта Осиёда тарқалган. Бу сўз икки хил: а) амир ўғли; б) котиб деган маъноларда ишлатилади. А. Ғофуров *мирза* сўзи Амир Темур номи билан боғлиқ деб кўрсатади.¹ Темур бутун Ўрта Осиёни қўлга киритгач, ўзини *амир* (лашкарбоши) деб эълон қилади. Чунки у хон авлодларидан эмас эди. Шунинг учун ҳам уни Амир Темур деб атадилар. Темур авлодини ажратиш учун унинг болалари *мирзода* деб аталган. Кейинчалик бу сўз *мирзага* айланган. Гарчи амир ўғилларини мирза ёки мирзода деб атаса-да, аммо баъзан амирнинг котибларини ҳам шу ном билан аталиб келинаверган. Натижада *мирзабоши* сўзи хонликдаги мансаб номини ифодаловчи “бош котиб” маъносига эга бўлган.

Чек сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да форс-тожикча бўлиб, *ҳисса*, *улуш* каби маъноларни англатиши кўрсатилган.² Бундан ташқари, чек сўзини бир неча маъноси бор. 1) чегара, ҳад; масалан, чексиз – “бепоён”, “улкан” демакдир; 2) тақдир, ҳисса, чунончи, “менинг чекимга тушди” деганда “менинг улушим, ҳиссам шу экан”, маъноси чиқади. 3) Фарғона водийсида муайян ер ўлчови бирлиги: М.Наливкин ва М.С.Андреев маълумотларига қараганда, Фарғонада 432-450 кв. метр майдон бир чек ҳисобланган; 4) мирза, увот; 5) шолипоёда олинган пол; 6) хоннинг ва оила аъзоларининг, амалдорлар, руҳонийлар ва машҳур шахсларнинг, умуман, ҳар қандай кишиларнинг хусусий ерлари.

Чек сўзи ана шу кейинги маънода топонимларда, яъни жой номлари таркибида мустаҳкамланиб қолган. 1909 йилда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида нашр этилган рўйхатга кўра Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш ҳудудларида 50 дан ортиқ жой номи таркибида *чек* сўзи учрайди. Бу номлар

¹ Дўсимов З., Эгамов Ҳ. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 97.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981. – II. т. – Б. 363.

Худоёрхон давридан қолган. Хон саройида хизмат қилган кўпгина амалдорларга чек ерлар ажратиб берилган. Чек ерларда ишлаш учун турли жойлардан кишилар кўчириб келтирилган ва бора-бора бу ерларда қишлоқлар барпо бўлган. Бу қишлоқлар амалдорлар, ер эгаларининг номлари билан аталган. Мирзабошичек топоними бунинг исботи албатта. Шундай экан, бу чек термини ерга бўлган хусусий мулкчилик, кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, майда ер эгаларининг географик номларда қолган “изи”дир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Мирзабошичек топоними ҳам айнан ана шундай майда ер эгаси ҳисобланган Мирзабоши (хоннинг бош котиби)га хон томонидан тухфа этилган жой номи билан боғлиқ. Демак, бу топоним Мирзабоши ва унинг ерларига нисбат берилиб, *Мирзабошининг чеки* яъни, *Мирзабошичек* деб номланган.

Доғистон – Эскиҳақулобод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги жой номи. Бу номнинг XVII асрда пайдо бўлганлиги маълум. Кўпчилик тадқиқотчилар бу ном туркий тилларга мансуб бўлиб, *тоғлар ўлкаси* деган маънода деб изоҳлайдилар. С.П. Толстовнинг фикрича бу ном *дах (дай)* этноними билан алоқадор бўлиб, “дахлар ўлкаси, дахлар мамлакати” демакдир.

Бизнингча, ҳам, бу ном этноним бўлиши керак. Чунки бу ҳудудларда доғистонлик кишиларнинг яшаганлиги маълум. Шунинг учун жойни номлашда уруғ номига нисбат берилган бўлиши мумкин.

Бўстон – тумандаги қишлоқлардан бирининг номи. Бу номни маҳаллий халқ ўзларининг жонли тилида бир неча маънода изоҳлашга ҳаракат қиладилар, яъни, *Бўстон* – гуллаб яшнаган жой маъносига эга деб ҳисоблашади. Тўғри, бу номни биринчи бор эшитганимизда ҳар биримизнинг ҳаёлимизга биринчи навбатда **бўстон** – форс-тожикча “яшнаган боғ” маъноси келади. Лекин бу сўзни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, унинг бошқа хил этимологик изоҳи келиб чиқади. Чунончи, С.Қораев ўзининг “Географик номлар маъноси” номли китобида жой номларига тўхталар экан, Бўстон топоними *Бўз тўн* кўринишда бўлган деб изоҳлайди. Яъни, қирғизларда

бўзтўн “бўз тўнли” деган уруғ бўлган, ўзбек кипчоқларида ҳам *бўзтўн* уруғи мавжуд бўлиб, бу ном ўша уруғ номидан келиб чиққан” дейди: Бўстон этноними дастлаб *бўз+тўн+ли* шаклида бўлган. Кейинчалик даврлар ўтиши билан сўз таркибидаги -ли аффикси тушиб қолган. Ундан сўнг *бўс+тўн* шакли Бўзтўнга, *Бўзтўн* эса **Бўстон** кўринишига келган.

Ваҳоланки, бизнинг ҳудудда асосан кипчоқ уруғ вакиллари яшайди. Шундай экан, бу каби уруғ номлари билан аталган топонимлар туманда анчагина. Жумладан, Тумор, Ўлмас, Товулди, Тулкиобод, Балиқчи, Қияли каби бир неча номлар этнонимла нисбат бериб қўйилган.

Дўнгсарой – Олимбек кишлок фукаролар йиғинидаги маҳалла номи. Бу ном таркибидаги *дўнг, сарой* “Ўзбек адабий тилининг изоҳли луғати”да куйидагича изоҳланади: **дўнг** (ўзбекча) – *кўтарилган, дўппайган, қаппайган; сарой* (форс-тожикча) – хон, амир, подшоҳларнинг доимий истиқомат қиладиган ҳашаматли уйи.

Лекин Дўнгсарой топонимининг этимологиясига назар ташласак, унинг биринчи компоненти ҳақиқатдан ҳам ўша маънода, аммо иккинчи компонент сарой “қароргоҳ” маъносида эмас, балки уруғ номи маъносида. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек бу *сарой* сўзи ҳам этноним сифатида Балиқчи ҳудудида яшаган уруғ номларидан бири.

Э.Мурзаев: “Сарой сўзи ҳақиқатдан “*уй, қаср*” деб изоҳланади. Фақат, бундай деб номланишига қадимдаги *Бахчисарой, Сароево, Сарайли* каби топонимларни мисол қилиб келтириш мумкин холос. Аммо сарой номли этноним ҳам борки, бу каби сарой қабиласи номи билан юритилувчи аҳоли масканлари республикамизнинг Самарқанд, Қашқадарё, шунингдек, Жиззах ва Андижонга яқин жойларда учрайди. Шундай экан, *Сарой* (Андижон), *Саройкўл, Саройқўргон* (Самарқанд) каби топонимлар шубҳасиз, этник ном асосида вужудга келган,” – дейди.¹

¹ Мурзаев Э. Очерки топонимики. — Москва: Мысль, 1974. — С.121.

Дарҳақиқат, таркибида *сарой* сўзи қатнашган номлар уруғ-қабила номларига алоқадор деб ҳисобланар экан, ўз-ўзидан бизнинг ҳудуддаги Дўнгсарой маҳалласи ҳам ана шундай номлар.

Бу ҳақда ўзбек тилшунос олимларимиздан яна бири А.Нурмонов ҳам ўзининг “Жой номлари – тарихимий овози” (1996) номли мақоласида таъкидлаб ўтган. У “Сарой ўзбек халқининг таркиб топишида муҳим рол ўйнаган қипчоқ уруғларидан бири саналади. Андижон вилоятимизнинг жуда кўп жойида *Сарой* номи билан аталувчи қишлоқлар учрайди. Масалан, Шаҳрихонда, Олтинкўлда *Сарой*, Балиқчида *Ёмон сарой*, *Дўнгсарой* қишлоқлари бор” деб ўз фикрларини баён этади.

Шундай экан биз ҳам бу далилларга, асосларга таяниб Балиқчи туман топонимияситга мансуб Дўнгсарой ойконимини “*дўнгликдаги сарой уруғи вакиллари яшаи жойи*” деб изоҳлашимиз мумкин.

3. 2. Туман топонимларининг структурал-типологик таснифи

Топонимларнинг грамматик хусусиятлари, хусусан, тузилишига кўра тип ва турлари ўзбек тилидаги сўзларнинг тузилишидан фарқ қилмайди.

Т. Нафасов Қашқадарё топонимлари тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясида жой номларини тузилишига кўра содда ва мураккаб топонимларга бўлади:

- 1) географик терминлардан иборат топонимлар;
- 2) бир компоненти белги билдирувчи сўзлардан, бошқа компоненти географик терминлардан иборат топонимлар;
- 3) барча компонентлари географик терминлардан иборат топонимлар.

Т.Нафасовнинг бу таснифи ҳақида С.Қораев фикр юритиб: “Т.Нафасов таснифининг биринчи бандини биргина географик терминдан “эмас”, “биргина сўздан иборат топонимлар” деб ўзгартирилса тўғри бўларди, чунки бундай топонимлар киши исмидан, лақабидан, ўсимлик, ҳайвон номидан иборат бўлиши ҳам мумкин“, – деб кўрсатади.¹

З.Дўсимов топонимларнинг тузилишига кўра таснифини структурал – типологик тасниф, деб атайди ва бу жиҳатдан топонимларни қуйидагича гуруҳлайди.

1. Аффиксиз топонимлар ва туб номлар: *Бўз, Жам, Адақ* каби.
2. Аффиксал топонимлар ёки ясама номлар: *Туячи, Кўсалар, Тошлоқ*.

¹ Қораев С. Ўзбек ойконимларида сўз ясалиши//Ўзбек тили ва адабиёти, 1995. - № 5-6.-Б.41.

3. Префиксал топонимлар: *Пойариқ, Беватан, Сардаҳа*.

4. Индикаторли топонимлар ёки топоним – композитлар. Муаллиф изоҳича, бундай номлар ўзича объект ёки унинг бирор хусусиятини кўрсатувчи топонимик индикаторларни бирлаштирган ҳолда келади: *Бекобод, Узункўл, Ўрта Чирчиқ* каби.

5. Бирикмали топонимлар.

3.Дўсимов кўрсатишича, бундай номлар бутун туркий тилларга хос бўлиб, объект ҳақида бирор ҳодисани ёки унинг хусусиятини ифодалайди: *Кўйқирилган қалъа, Қизгетган* (канал) ва ҳ.к.¹

Мазкур таснифда гуруҳларнинг номланишида грамматик анъаналарга мувофиқлик бузилган, “Индикаторли топонимлар” гуруҳида топоформат ва индикатор аралаштириб юборилган, гуруҳларга берилган изоҳга кўра, “Бирикмали топонимлар” гуруҳига киритиш лозим бўлган *Ўрта Чирчиқ* топоними индикаторли топонимлар гуруҳига киритилган. Бизнингча, префикс ҳам аффикслигига кўра 2 – 3 – гуруҳларни бирлаштириб “Аффиксли топонимлар” деб номланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, *Пойариқ* топонимидаги *пой* префикс эмас. Тожикча изофали номларни ҳам бирикмали топонимлар сирасига киритилса тўғрироқ бўларди.

Бизнингча, ўзбек топонимикасидаги топонимларнинг морфологик тузилишига доир таснифларнинг ёндашув асоси ва характерида кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ясалиш усули ва моделига асосланган таснифлар.

2. Ясовчи воситаларга ва таркибий тузилишига асосланган таснифлар.

3. Таркиби ва таркибидаги луғавий бирликларга асосланган таснифлар.

Топонимлар тил бирлиги ҳисобланади. Шундай экан, топонимларнинг тузилишига кўра таснифи ҳам сўзларнинг тузилишига кўра таснифидан фарқланмаслиги лозим.

Топонимнинг тузилиши деганда унинг морфологик таркиби тушунилади. Топонимнинг морфологик тузилиши – номнинг

¹ Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир//Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. – №1. – Б.19-20.

морфемалардан: луғавий асос ва ясовчи аффикс; луғавий асос ва топоформантдан иборат таркиби.¹ Шундай экан, топонимларнинг тузилишига кўра таснифида унинг таркибидаги морфемаларга, яъни луғавий асос, ясовчи аффикс, топоформант ва топонимик индикаторларни асосга олиш лозим.

Юқоридаги таснифларга ижодий ёндашган ҳолда Балиқчи туман топонимларининг таркибий тузилишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

1. Содда таркибли топонимлар.
2. Қўшма таркибли топонимлар.
3. Мураккаб таркибли топонимлар.

Таркиби биргина луғавий асосдан иборат бўлган объект номлари **содда таркибли топонимлар**дир. Масалан, *Сиза* (Сиза ҚФЙ), *Гузар*, *Алам* (Хўжаобод ҚФЙ), *Шўр*, *Тумор*, *Ботир*, *Тўда* (Охунбобоев ҚФЙ), *Бўз* (Ўрмонбек ҚФЙ), *Бўстон* (Бўстон ҚФЙ), *Марказ*, *Кўл* (Балиқчи ҚФЙ) каби.

Содда таркибли топонимлар аффиксация ва конверсия усулида ясалади. Бу типдаги топонимларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) содда туб топонимлар;
- 2) содда ясама топонимлар.

Содда туб топонимлар асосан апеллятивларнинг ономастик конверсия усули асосида топонимга кўчишидан ҳосил бўлади. Содда туб топонимларнинг луғавий асоси маъновий ва морфологик жиҳатдан турлича.

Балиқчи тумани содда туб таркибли топонимларини морфологик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) **от асосли содда туб топонимлар:** *Тумор* (ойк. Тумор МФЙ), *Тўда* (ойк. Тўда МФЙ), *Андижон*, *Рудакий*, *Фурқат* (ойк. Омонариқ МФЙ), *Ваҳм* (ойк. Қумтепа МФЙ), *Тафаккур* (ойк. Оққўрғон МФЙ), *Майдон*, *Наманган* (ойк. Балиқчи МФЙ), *Муқимий* (ойк. Исломобод МФЙ), *Чўлпон*, *Бог* (ойк. Оққўрғон МФЙ), *Майдон*, *Гузар* (ойк. Гўравон МФЙ), *Чеп* (ойк. Каттабулок

¹ Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.82-83.

МФЙ), *Шарқ* (ойк. Марказ МФЙ), *Ғайрат* (ойк.Дўстлик МФЙ), *Саҳоват* (ойк.Қияли МФЙ), *Маслаҳат* (ойк. Сарнавул МФЙ), *Алам* (ойк. Алам МФЙ), *Қаҳрамон* (ойк. А.Мадаминов МФЙ), *Уммон* (ойк. Янги ҳаёт МФЙ), *Маъориф* (ойк. Товулди МФЙ), *Халфа* (нек. Сиза ҚФЙ), *Найман* (нек. Оқтепа МФЙ), *Насос* (гид. Гўравон МФЙ);

2) **сифат асосли содда туб топонимлар:** *Шўр* (ойк. Яккатол МФЙ), *Оқин* (ойк. Эскиҳақулобод МФЙ), *Омон* (гид. Чинобод МФЙ), *Янги*, *Шўр* (гид. Мирзабошичек МФЙ), *Узун* (гид.ойк. Шераличек МФЙ);

3) **Феъл асосли содда туб топонимлар:** *Сирмоқ* (ойк. Еттиқашқа МФЙ), *Тўхташ* (гид.Товулди МФЙ), *Айрилиш* (ойк. Гулистон МФЙ).

Кузатишларимиздан кўринадики, Балиқчи туманидаги содда туб топонимларнинг асосий қисми, морфологик жиҳатдан от асосли номлар ташкил этади, феъл асосли содда туб топонимлар билан сифат асосли содда туб топонимлар эса жуда кам.

Содда ясама топонимлар. Балиқчи туман топонимиясида содда таркибли ясама номлар ҳам учрайди. Уларнинг таркиби луғавий асос ва ясовчи аффиксдан иборат бўлади. Бу каби топонимларни ҳам бир неча кўринишда ажратиб ўрганиш мумкин:

а) **от+ясовчи аффикс кўринишидаги ясама топонимлар:** *Алчазор* (ойк. Бўстон ҚФЙ), *Дўстлик* (ойк. Олимбек ҚФЙ), *Доғистон* (ойк. Доғистон МФЙ), *Гулистон* (ойк. Балиқчи ҚФЙ), *Зулфикор* (гид. Хўжаобод ҚФЙ), *Пахтакор* (гид. Ўрмонбек МФЙ), *Тошлоқ* (ойк. Каттабулоқ МФЙ), *Иичилар* (ойк. Балиқчи МФЙ), *Олмазор* (ойк. Балиқчи ҚФЙ), *Гулли* (ойк. Кўлбўйи МФЙ), *Капали* (ойк. Шераличек МФЙ), *Ё нгоқзор* (ойк. Шўр МФЙ), *Анорзор* (ойк. Омонариқ МФЙ), *Тегирмончи* (ойк. Қумтепа МФЙ), *Мазмунли* (ойк. Эскиҳақулобод МФЙ);

б) **сифат+ясовчи аффикс ясама топонимлар:** *Мустақиллик* (ойк. Марказ МФЙ), *Захкаш* (ойк. Охунбобоев ҚФЙ), *Эркинлик* (ойк. Доғистон МФЙ), *Ёрқинлик* (ойк. Янгиқишлоқ МФЙ), *Озодлик* (ойк. Ўлмас МФЙ), *Қаҳразор* (Гулистон МФЙ), *Бўстонлик* (ойк. Бўстон МФЙ);

с) **феъл+ясовчи аффикс:** *Чувама* (ойк. Еттиқашқа МФЙ), *Айланма* (ойк. Қўрғонча МФЙ).

Юқоридаги мисоллардан кўринадик, Балиқчи туман топонимиясида содда таркибли туб топонимлар билан бир қаторда содда ясама топонимлар ҳам салмоқли ўрин тутди.

Қўшма таркибли топонимлар. Таркиби бирдан ортик луғавий асосдан иборат жой объекти номи *қўшма топонимлар*дир. Қўшма таркибли топонимлар худди ўзбек тилидаги сўз тузилишига ўхшаб, композиция усули билан ясалади. Қўшма таркибли топонимларнинг ясалишида *чек, обод, кўча, ариқ, сой, тепа, булоқ* каби топонимик аниқлагичлар фаол қўлланади. Улар кўшни, шунингдек, мураккаб топонимларнинг маъно томонини аниқловчи қисмлардир. Бу айниқса, қуйидаги топонимларда яққол кўзга ташланади. *Оқтепа, Қўштепа, Шераличек, Маллачек, Насриддинобод, Хўжаобод* каби.

Балиқчи туман топонимик тизимида қўшма таркибли топонимлар миқдоран кўп. Масалан, биз туман ҳудудидан тўплаган 900 (тўққиз юз)га яқин топонимларнинг 500 (беш юз)дан кўпроғи қўшма топонимлардир. Бу топоним яшашда, яратишда аниқлик ва мантиқийликка интилиш маҳсулидир. Қўшма таркибли топонимларнинг морфологик таркибида иккинчи компонент сифатида асосан, топонимик аниқлагичлар қўлланади. *Янгикўча, Тоғжикмахалла, Лўличек, Қақирчек, Учбулоқ, Каттабулоқ, Полвонкўл* кабилар шулар жумласидандир.

Балиқчи туман қўшма таркибли топонимларнинг морфологик асоси ва шаклланиш моделига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

I. **От+от** кўринишидаги қўшма таркибли топонимлар: *Теракмозор, Лақадум, Исломобод* (Балиқчи ҚФЙ), *Шераличек, Мирзабошичек* (Гулистон ҚФЙ), *Полвонкўл, Дўнгсарой, Халфачек* (Олибек ҚФЙ), *Омонариқ, Қумтепа* (Охунбобоев ҚФЙ), *Еттиқашқа, Тулкиобод* (Хўжаобод ҚФЙ), *Сортепа* (Мирзабошичек МФЙ), *Бойимтепа* (Қўрғонча МФЙ) каби.

II. **Сифат+от** кўринишидаги топонимлар: *Учбулоқ, Яккатол, Каттабулоқ, Янгихаёт, Оқтикон, Оққўрғон, Оқтом, Ўртақўрғон,*

Қирқчинор, Бўзариқ, Карқишлоқ, Янгиобод (Балиқчи ҚФЙ), *Чановоз, Сариксув, Шамишкўл* (Гулистон ҚФЙ), *Қақирчек* (Ўрмонбек ҚФЙ), *Янгиқўча, Чеккақўрғон* (Охунбобоев ҚФЙ), *Эскиҳақулобод, Янгиқишлоқ* (Эскиҳақулобод ҚФЙ), *Пастки овул* (Сиза ҚФЙ), *Оқтепа* (Охунбобоев ҚФЙ), *Янгиҳаёт* (Эскиҳақулобод ҚФЙ), *Файзиобод* (Хўжаобод МФЙ), *Чинобод* (Охунбобоев ҚФЙ), *Янгичек* (Ботир МФЙ), *Хурўлка* (Янгиҳаёт МФЙ), *Миллийбоғ* (Шераличек МФЙ), *Эскиқишлоқ* (Гулистон ҚФЙ), *Сариксув* (Мирзабошичек МФЙ), *Бўзариқ* (Ўртақўрғон МФЙ), *Ҳайкўл* (Қўрғонча МФЙ) каби.

III. **Сон + от** кўринишидаги қўшма таркибли топонимлар: *Еттиқашқа* (Эскиҳақулобод ҚФЙ), *Учбулоқ* (Кўл МФЙ), *Яккатол* (Балиқчи ҚФЙ), *Қирқчинор* (Ўртақўрғон МФЙ), *Яккатол* (Қўрғонча МФЙ), *Олтиариқчек* (Қўрғонча МФЙ).

Мураккаб таркибли топонимлар. Балиқчи туман топонимларининг бир қисмини мураккаб таркибли топонимлар ташкил этади. Н. Бегалиев бундай топонимларни састовли (таркибли) топонимлар деб атайди. У бундай номларнинг асосий қисмини икки компонентли номлар, баъзида уч ва ундан ортиқ компонентли номлар ташкил этишини кўрсатади. Предикатив муносабатдан ясалган бундай номларнинг биринчи компоненти ҳаракат субъекти, иккинчи компоненти ҳаракатнинг ўзини билдиради. Мураккаб таркибли топонимлар содда ва қўшма турдаги топонимлардан фарқ қилиб, бирикмага, айрим ҳолларда гапга тенг бўлади. Сўз бирикмаси ва гап шаклидаги жой объекти номлари **мураккаб таркибли топонимлар** ҳисобланади.

Ўзбек тилида бирикма шаклидаги мураккаб таркибли сўзлар аниқловчи-аниқланмиш ҳарактерига эга бўлишини назардан тутиб, туман топонимларини ҳам худди шундай асосга кўра таснифлаш ўринли.

1. Бирикма шаклидаги топонимлар: *Пасткиовул* (Сиза ҚФЙ) *Паст йўли* (Қахрамон МФЙ), *Сомонйўли* (Ўртақўрғон МФЙ), *Дарёбўйи* (Қўрғонча МФЙ), *Гумбўйи* (Каттабулоқ МФЙ), *Азизлар ери* (Гўравон МФЙ),

Ғиштлишоҳ ариғи (Ўрмонбек МФЙ), *Сиза ариғи* (Сиза ҚФЙ), *Мазгилсой* (Чинобод МФЙ), *Жума ариғи* (Балиқчи МФЙ), *Насос ариғи* (Ўрмонбек ҚФЙ), *Кўктўнлиота қабристон* (Сиза ҚФЙ), *Этакалам* (Хўжабод ҚФЙ), *Азизлар қабристон* (Охунбобоев ҚФЙ), *Шаҳидлар мазори* (Олимбек ҚФЙ) каби. *Қиличбурхонота қабристон* (Кўл МФЙ), *Маслаҳат гузари* (Охунбобоев ҚФЙ), *Тузли момо зиёратгоҳи* (Шераличек МФЙ), *Хотинкўприк маҳалласи* (Исломобод МФЙ).

2. Гап шаклидаги мураккаб таркибли топонимлар: *Каллачиқди* (Олимбек ҚФЙ), *Паноҳбор* (Исломобод ҚФЙ), *Товулди* (Эски Ҳаққулобод ҚФЙ), *Тангатопди* (Мирабошичек МФЙ), *Борсакелмас* (Гўравон МФЙ).

Демак, Балиқчи туман топонимларининг морфологик тузилишига кўра тасниф қилиш жараёнида шу ҳолат маълум бўлдики, тумандаги содда туб топонимларнинг асосий қисмини морфологик жиҳатдан от асосли номлар ташкил этади. Қўшма таркибли топонимларнинг ҳосил қилинишида эса кўпинча, *тепа*, *қўрғон*, *булоқ* каби апеллятив топонимик аниқлагичлар фаол қўлланади. Шу билан бирга туман топонимларининг морфологик таркибида “*чек*”, “*обод*” биркликларининг фаол қўлланишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Умумий хулосалар

1. Ўзбекистон топонимиясида, жумладан, Андижон вилояти, хусусан, Балиқчи тумани топонимиясида ойконимлар салмоқли ўрин тутади. Аниқроғи, топонимларнинг бошқа турларига нисбатан миқдоран кўп. Бу албатта, маҳаллий аҳолининг ўтроқ яшаши, асосан, қишлоқ, шаҳарча ва шаҳарларда яшаши билан боғлиқ.

2. Топонимларнинг лисоний тадқиқи ўзи номлаётган жой аҳолисининг этник таркиби ва тақомили, ижтимоий, иқтисодий, маданий турмуши, яшаш тарзи ҳамда ҳудуднинг табиати, географияси, тарихи ҳақида бой лисоний маълумотлар олиш имконини беради.

3. Балиқчи тумани ойконимларининг асосий қисмини аҳолининг яшаш тарзи, анъаналари, сиёсий, иқтисодий турмушига кўра номланган қишлоқ номлари - комонимлар ташкил этади.

4. Туман аҳолисининг қадимдан ўтроқлашувида, худди туркий қавмларнинг бошқаларида бўлгани сингари этник анъаналар устунлик қилганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатганлиги сабабли топонимлар луғавий асосида форс-тожикча луғавий қатлам ҳам, оз бўлса-да иштирок этган. Араб, мўғул ва лотин тили элементлари излари, Марказий Осиё топонимияси таркибида бўлгани сингари, Балиқчи топонимиясида ҳам қадимдан мавжуд ва бу лингвистик элементлар даврлар ўтиши билан тилимизга сингиб кетган.

5. Халқнинг этник таркибини англатувчи номлар – этнонимлар тараққиёти ва дунё цивилизацияси таъсири натижасида йўқола борса-да улар туман топонимик фондида сақланиб қолган.

6. Ҳудуд топонимиясининг маълум қисмини қадимий тарихий номлар ташкил этади. Унутилишга юз тутган кўпгина тарихий топонимларнинг мустақиллик даврида тикланди.

7. Топонимлар тизимида ойконим, гидроним, ороним, некронимлар салмоқли ўрин тутади. Айниқса, туман топонимиясида табиий топонимлар, хусусан, гидройконимлар, зоойконимлар кўп. Бу ҳолат топонимик номланишлардаги табиийлик ва анъанавийликдан далолат беради.

8. Ҳудуд топонимларининг юзага келишида, асосан, от ва сифат туркумига мансуб бўлган апеллятивлар, жумладан, топоиндикаторлар муҳим ўрин тутди. Топономик индикаторлар турли мустақил сўз туркумларига оид сўзларга қўшилиб, уларни объектнинг турини ифодалашга хослайди, қўшма ва мураккаб таркибли топонимларнинг вужудга келишига асос бўлади ҳамда объектнинг турини ифодалайди. Балиқчи тумани топономик индикаторлари тарихий-этимологик жиҳатдан, асосан, умумтуркий, форс-тожикча, қисман арабча луғавий қатламга мансубдир.

9. Туман топонимлари тузилишига кўра содда таркибли, қўшма таркибли ва мураккаб таркибли топонимларга бўлинади, миқдоран қўшма таркибли топонимлар салмоқли ўрин тутди.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давоми – тараққиётимизнинг муҳим омилidir // Ишонч, 2010, 8 декабрь.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010, 3 сентябрь.
3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи, 2011, 22 январь.
4. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. - 173 б.
6. Аҳмадалиев Ю. И. Фарғона вилояти топонимлари. – Фарғона, 2009. – Б.30.
7. Бегматов Э. Истиқлол даври топонимик сиёсатининг илмий принциплари // Филология масалалари, 2004, №4.
8. Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 64 б.
9. Бегматов Э. Ўзбек ономастикасининг галдаги вазифалари ва илмий муаммолари // Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари: Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Наманган, 2006. – Б.214-220.
10. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – 103 б.

11. Дониёров Ҳ. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 97 б.
12. Дўсимов З. Топонимлар номинациясида нисбийлик принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – №4. – Б.12-15.;
13. Дўсимов З. Топонимлар номинациясида позитивлик ва негативлик принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – №5. – Б.33-37.
14. Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – №1. – Б.17-20.
15. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.
16. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 174 б.
17. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985.
18. Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Тошкент: Фан, 1965. – 184 б.
19. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 336 б. Қ 32 б. Зарварақ.
20. Кораев С. Ойконимия Ўзбекистана. Диссертация.-геогр.наук.-Ташкент, 1998.
21. Маҳкамов Н. Этимология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2005. – 10-ж. –Б. 281.
22. Мирортиқ Мирабдулла ўғли. Жўғрофий атамалар луғати. – Тошкент: Фан, 1992. – 56 б.
23. Мулла Қурбон Ҳайдарали ўғли. Балиқчи тарихи хикоя ва ривоятлар – Тошкент: Фан, 2008 – Б.21.
24. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган?-Тошкент: Фан, 1989.
25. Нафасов Т. Балиқчи номининг маъноси// Шарқ юлдузи. – 1991, № 10. – Б.198. Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 86 б.

26. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 56 б.
27. Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Қўқон, 2005. – 91 б.
28. Охунов Н. Фарғона области фитотопонимларини ўрганишга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – №4. – Б.32-35.
29. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003. – 600 б.
30. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – 600 б.
31. Усмонов О., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изохли луғати. – Тошкент: Фан, 1965.
32. Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008.
33. Шукур Қурбон. Балиқчиликлар. – Тошкент, 2008 .
34. Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Тошкент: Университет, 2004.
35. Ўзбек тилининг изохли луғати (5 жилдли). – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. – II. т. – Б. 75.
36. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. -10-ж. – Б.281
37. Қораев С. Андижон вилояти топонимлари // Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б.34 – 38.

Шартли қисқартмалар:

Гид – гидронимлар

Инд – индикатор

МФЙ – маҳалла фуқоролар йиғинлари

Нек – некронимлар

Ойк – ойконимлар

ТА – топонимик аниқлагичлар

ҚФЙ – қишлоқ фуқоролар йиғинлари